



Тилга эҳтиром —
элга эҳтиром



Янгиланиб, яшараётган
Қорақалпоғистоним!



Тахририятга ариза



Электр қуввати билан
юрадиган машиналар



№87-88
2019-йил, 29-oktabr
Seshanba (32.578)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Жорий йилнинг ўтган даврида
давлат дастурлари доирасида қарийб
30 мингта, жумладан, қишлоқларда
15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15
мингга яқин турар жой, тадбиркорлар
томонидан эса жами 19,5 минг
хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо
этилган. Умумий ҳисобда қарийб
49,5 минг уй-жой қурилиб, бунинг
учун 12 триллион 24 миллиард сўм
йўналтирилган.

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 октябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори, орадан бир ой ўтиб, яъни 22 ноябрда "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қўриниб турибдики, эндиликда қишлоқлар ҳам, шаҳарлар ҳам улкан бунёдкорлик ишлари билан қамраб олинди. Ҳамма жуда уйлар қурилиши жадал тус олди.

2016 йилда давлат дастурлари доирасида қишлоқларда 13 мингта турар жой, тадбиркорлар томонидан 13 минг 189 хонадонни уй қурилган бўлиб, бунинг учун 4 триллион 330 миллиард сўм сарфланган. 2017 йилда эса давлат дастурлари доирасида қарийб 29 мингта, жумладан, қишлоқларда 20,3 мингта, шаҳарларда 8,5 мингга яқин турар жой қад кўтарган. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан 16 мингдан зиёд хонадонли уй қурилган. Яъни, умумий ҳисобда қарийб 45 мингта уй-жой барпо этилиб, бунинг учун 6,2 триллион сўм сарфланган.

Ўтган йили бунёдкорлик қўлами янада кенгайди. Хусусан, давлат дастурлари доирасида 42,2 мингта, жумладан, қишлоқларда 25,3 мингта, шаҳарларда қарийб 17 минг турар жой, тадбиркорлар томонидан жами 19,7 минг квартиралар иборат уйлар қурилган. Яъни, қарийб 62 мингта уй-жой барпо этилиб, 12 триллион 130 миллиард сўм сарф-харажат қилинган.

Жорий йилнинг ўтган даврида давлат дастурлари доирасида қарийб 30 мингта, жумладан, қишлоқларда 15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15 мингта яқин турар жой, тадбиркорлар томонидан эса жами 19,5 минг хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо этилган. Умумий ҳисобда қарийб 49,5 минг уй-жой қурилиб, бунинг учун 12 триллион 24 миллиард сўм йўналтирилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳалқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун эса, қарийб 30 триллион сўм зарур бўлади. Бу маблаг давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этади.


Ўз-ўзидан аёники, давлат бюджетининг бунча қисmini биргина шу соҳага ажратиш бўлмайди. Шунингдек, давлат хусусий сектор иштирокисиз аҳоли эҳтиёжини тўла қондириши қийин. Шу боис, йиғилишда ипотека тизимига босқичма-босқич бозор механизмлари жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Янги тизимга мувофиқ, кўп қаватли уй-жой қурилиш тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан ер ва ипотека кредити учун банкларга маблаг ажратилади.

ЎЗА

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз»

Ўзбекистон халқ демократик партияси: тенглик, адолат, бирдамлик учун курашади



Пойтахтимиздаги «International hotel Tashkent» меҳмонхонасининг муҳташам Амир Темур залида
Халқ демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди.

Партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан кўрсатилган делегатлар, партиянинг республика миқёсидаги фаоллари, хайрихоҳлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашган қурултойда партиянинг бу йилги сайловда иштироки билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилди.

Қурултойда дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятлов партиянинг ўтган беш йиллик фаолиятини таҳлил қилди. Шунингдек, партиянинг бу йилги сайловда фаол ва муносиб иштирокини таъминлаш билан боғлиқ энг муҳим вазифалар ҳақида афзолияти тўхталиб ўтди.

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, кенг қамровли ислохотлар бутунлай янги, юксалиш босқичига қадам қўйди. Юртимиз иқтисодий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон очик, прагматик сиёсат сари юзланган, деярли ўзини бошлади партия етакчиси.

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамиятда кечаятган кучли модернизация жараёни барча соҳада юксалиш тўлиқлигини юзга келтирди. Бу дунё ҳамжамиятининг ҳам кенг эътирофига сазовор бўлаётгани халқимизни янада руҳлантириб, барчамизни янги марралар, улкан мақсадлар сари ундамоқда.

Муҳими шундаки, бугунги ҳаётимизда тарихий ўзгаришлардан, энг аввало, халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Одамларнинг ҳаёти ва қўндалик турмуш шароити яхшиланиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Юртимизда демократик ислохотлар мазмун ва аҳамиятига кўра, бутунлай янги босқичга кўтарилди. Қўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, сўз эркинлиги таъминланди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқ ва воқалар қамқоватланди.

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтаётган сайлов сиёсий партиялар ва парламент фаолияти билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда янги даражага кўтаришда долзарб аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, халқимиз, сайловчилар бу сайловга катта умид ва ишонч билан қараб турибди.

Маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати, аввало, уларнинг қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевоқифа бўлиб қолмайди.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Мафқураи учта асосий гоядан иборат. Булар Ижтимоий тенглик ва адолат, Ижтимоий бирдамлик ҳамда Ижтимоий демократизмга эришишдир.

Албатта, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур гоялар

учун курашишни ўзининг бош мақсади этиб белгиланган. Бинобарин, бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашган жамиятда ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти юқори бўлиши шубҳасиз. Зеро, жаҳон таърибаси шуни кўрсатаётгани, иқтисодий муаммоларни, иқтисодий инқирозни бартараф этиш мумкин. Аммо ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, иқтимоий инқироз оқибатларини юмшатиш осон кечмайди. Бу жуда катта куч, вақт, энг муҳими, узқоқни ўйлаб оқилонга сиёсат юритишни талаб этади. Айрим мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимояси, ижтимоий масалаларига эътиборсиз қараши натижасида жуда катта ижтимоий танглик келиб чиққан кўпчиликка маълум. Шу боис адолатли жамият аҳолининг эҳтиёжларини қамраб олишнинг ўз зиммасига олиши шарт!

Шу нуқтаи назардан партиямизнинг гоялари давлат ва жамиятда тенглик ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Партиямиз Ижтимоий адолат ва тенглик деганда, ҳуқуқ ва имкониятлардан барча фуқароларнинг бирдек эркин фойдаланишидаги тенглик ва адолатни назарда тутди. Зеро, инсонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун билан кафолатланган жамиятда адолат ва инсонпарварлик устувор бўлади.

Маълумки, халқимиз ҳамisha ўз иқболини бирдамликда, ҳамқору ҳамдўстликда яратиб келган. Бунда аҳолининг миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий аҳолидан қатъи назар бир-бирига меҳр-оқибати, бағрикенглиги юксак қадрланади. Бинобарин, ижтимоий бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш бўлмаган жамиятда ҳеч қачон барқарор ривожланиш бўлмайди.

Ижтимоий демократия гояси жамиятда аҳолининг ижтимоий ҳимояси сўзсиз таъминланиши демакдир. Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ҳаётини яхшилашнинг ётарли даражада таъминлаш устувор мақсад қилиб қўйилган. Бунда аҳолининг ижтимоий ва пенсия таъминотини кафолатлаш ҳам муҳим аҳамият қаратилди. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, кўп болали оналар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир.

Давоми 2-3-бетларда. ►

Ўтган сайлов натижаларига кўра, партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 27, вилоят Кенгашларидаги 806 депутатлик ўрнидан 214 ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларидаги 5181 депутатлик ўрнидан 1659 тасини эгаллаган эди.

Шу давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан электротоманфаатларини таъминлашга қаратилган 3243 масала ва муаммо ўрганилган. Шундан 2266 масала доимий комиссияларга ҳамда 1407 масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши ҳамда ижро ҳоқимияти идоралари раҳбарлари зиммасига вазифалар юклатилишига эришилган.



Сўнги беш йил мобайнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий – сиёсий билими сезиларли даражада ўсди, уларнинг сиёсий партияларга ишончи ҳам, талаби ҳам ошди.

демократик партияси: бирдамлик учун курашади



Шерзод ШЕРМАТОВ,
Халқ таълими вазири:

— Партиянинг сайловолди дастурида ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик масалаларига эътибор қаратилгани жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ҳаммамиз қонунлар тўғрисида тўғри ишлайдиган жамият тузишга ҳаракат қилишимиз. Манат шунки масалада партиямиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссаси, овози ва сўзига эга бўлиши керак. Бунинг учун парламентда етарли ўринни эгаллаши талаб этилади. Парламентнинг муҳим йўналишларидан бири бу — давлат бюджетини тасдиқлаш масаласидир. Бунда фракциямиз аъзолари ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар ҳусусида ўз фикрларини билдиради.

Масалан, таълим соҳасига бюджетдан ажратилаётган маблағлар ортатими ёки камайтилми? Ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортатими, камайтилми, каби саволларга тўғри жавоб олиш керак. Фракциямиз аъзолари бу борада ўз позициясини қатъий билдира ола, келаси йилги бюджетни тасдиқлашда ўз таклифларини илгари суриш имконига эга бўлишади. Натижада таълим соҳасида ривожланиш, ўсиш суръати янада ортади.

Айтайлик, 12 йиллик мажбурий таълим 11 йилликка ўтгач, ажратилаётган маблағларда қандай ўзгариш бўлди? Бу саволга бюджет муҳокамаси жараёнида жавоб толамиз, деб умид қиламиз.

Яна бир масала. Кейинги пайтларда бюджетдан ортган маблағ маҳаллий ҳокимликлар ҳисобига қолмоқда. Табиийки, ҳар бири ўзига яраша маблағга эга. Ушбу маблағларнинг қайси соҳага тақсимланиши бўйича ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сўзига, ўз фикрига эга бўлиши керак. Мисол учун, Наманган вилоятида маҳаллий бюджетдан ортган маблағлар таълим соҳасига ажратилди. Натижада бирорта ҳаммазори мактаб қолмади. Барчаси замонавий кўринишда қайта қурилди, реконструкция қилинди.

Бир сўз билан айтганда, электоратимиз манфаатлари ҳамда партиямиз гоёларини ҳимоя қила оладиган қучли депутатлар керак бўлади. Ўйлайманки, ана шунда қўзланган мақсадларга эришамиз ва сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажарамиз.



Сафар ОСТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» ва
«Голос Узбекистана» газеталари
бош муҳаррири:

— Навбатдаги сайловда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат ҳар қачонгидан кўра, кескин бўлишини ҳаммамиз яхши англаб турибмиз. Бунинг сабабларини ҳам яхши биламиз.

Биринчидан, сўнги беш йил мобайнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий билими сезиларли даражада ўсди, уларнинг сиёсий партияларга ишончи ҳам, талаби ҳам ошди.

Иккинчидан, сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиш, курашиш учун етарли тажрибага эга бўлди. Сиёсий партиялар сони ошди. Тўрттадан бештага етди.

Учинчидан, наватдаги сайлов яқинда қабул қилинган сайлов тўғрисидаги Кодекс асосида ўтади.

Тўртинчидан, наватдаги сайлов мамлакатимизда демократик жараёнлар янги босқичга кўтарилган, аҳолининг ҳаётга муносабати сезиларли даражада ўзгарган янги сиёсий муҳитда ўтади. Бу ўзгариш ва янгилашилган сайловга жиддий тайёргарлик кўриши, кураш тактикасини аниқ белгилаб олиши талаб этади. Нима демократчилигимиз, нима қилмоқчилигимизни сайловчилар яхши билиши керак.

Сайловда муваффақиятли ва муносиб



Кумор БЕКНИЙЗОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори, қурултой
иштирокчиси:

— Сўзим аввалда қўлчиллик ёшлар қатори энг халқчил, деярли қўлланаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида эканимдан фахрланишимни айтмоқчиман. Мазкур партиянинг ҳаётимдаги ўрни бениҳоят. Негаки, партиямиз томонидан ёшларнинг истеъдодини, иқтидорини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилаётган турли лойиҳаларда иштирок этиш давомиди нималарга қодирлигини янада чуқурроқ англадим. Ўзимга ишончини ортди. Хусусан, «Ёш сиёсатчи» қўриқ-танловини мен учун катта мактаб бўлди.

Партия кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган 214 «Жамоатчилик қабулхонаси»га ўтган 5 йил давомида 64288 мурожаат бўлган. Уларнинг 40412 таси ёки 63 фоизи ижобий ҳал этилган. Қолган мурожаатларнинг ижроси партия ташкилотлари ва депутатлар томонидан назоратга олинган.

иштирок этишнинг асосий шартларидан бири тарғибот ва ташвиқот ишларини қай даражада олиб боришимизга боғлиқ.

Аввало, партиямиз Сайловолди дастурининг бошқа сиёсий партиялар дастурларидан фарқи жиҳатларини оддий мисоллар билан тушунтириб бермоғимиз зарур. Партиямиз гоёси инсонпарвар гоё экани, ижтимоий ёрдамга муҳтож одамлар ҳуқуқини ҳимоя этишимизни, улар манфаати учун курашмоғимизни билган киши бизни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Биласизлар, тарғибот ишларини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу масалада бошқа сиёсий партияларга қараганда бизда имконият кенг-роқ. Республика миқёсида иккита нашрлар, — ўзбек ва рус тилида, ҳудудлар миқёсида учта газетага эгамиз. Партия нашрларидан номзодларимиз ёки сайловолди дастурини ёритиш миқдори чекланмаган. Аммо сайлов жараёнида ОАВ билан ишлашнинг айрим жиҳатлари ҳақида таклифларни билдириш керак.

Аввало, республика миқёсидаги қайси давлат нашрлари, нодавлат ва хусусий нашрлардан, телерадиоканаллардан фойдаланишни чуқур ўйлаб, режа тузиб олиш керак. Бунда аввало нашрларнинг ва телерадиоканалларнинг оммавийлигига эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқлар орасидан ҳамкорларни танлай билиш керак. Шунингдек, маҳаллий ОАВ имкониятларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беришини унутмайлик. Энг муҳими биз интервью берамизми, суҳбат қиламизми, мақола ёзамизми, учрашувларга борамизми, нима дейишимизни, нималарга ургу беришимизни чуқур ўйлаб олмоғимиз зарур.

Сайлов кампанияси пайтида сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозара кучайиши табиий. Хаяжонга берилиш, сунъий баҳс, сохта шухратга интилиш, чуқур ўйлаб-йиллаш хатоларга йўл қўйишимизга сабаб бўлади. Партиямизнинг қўллаб-қувватлашга эришган ҳақида фахрийлари «Нуроний» жамғармаси ёки Маҳалла фуқаролар йиғинларига раислик қилиб келишмоқда. Улар катта тажрибага эга, эл орасида обрўси юқори. Уларни тарғибот ишларига жалб этсак, фақат наф қўрамиз.

Халқ демократик партияси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар қўллаб-қувватлашга эришган ҳақида фахрийлари «Нуроний» жамғармаси ёки Маҳалла фуқаролар йиғинларига раислик қилиб келишмоқда. Улар катта тажрибага эга, эл орасида обрўси юқори. Уларни тарғибот ишларига жалб этсак, фақат наф қўрамиз.

Айни вақтда бутунлай ўзгача ўтиши кутилаётган муҳим сиёсий жараён олдида турибмиз. Мана шу жараёнда партиямиз гоёларини тарғиб этишда фаол қатнашаман. Партиямиз Сайловолди дастурида таълим ва ижтимоий тенглик масалалари илгари сурилганини қўллаб-қувватлашга ишонаман. Халқ демократик партияси сафида истеъдодли ёшлар кўп, улар сайловда партиянинг таяничи бўлиши ва тарғибот ишларига муносиб ҳисса қўшишади.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматова, партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрохиддин Дархонов ва бошқалар кун тартибидagi масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сўз — қурултой иштирокчиларига



Мақсуда БОРИСОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

— 2019 йил 22 декабрь кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан эълон қилинган сайлов кампанияси энг муҳим, энг қизғин паллага кирмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу йилги сайловга ўзгача шиқоват, кўтаринки кайфият, энг муҳими, аниқ гоё ва мақсадлар билан иштирок этади.

Бугунги қурултойда партиямизнинг бу йилги сайловда иштироки билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилин-

ди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан Сайловолди дастури делегатлар эътиборига тақдим этилди.

Алоҳида жиҳати шундаки, партиямиз Сайловолди дастури янгича ёндашув бўйича «пирамида» шаклида ишлаб чиқилган. Яъни, ҳудудларга хос энг муҳим масалаларни белгилаб олиш, келажакда депутатлик бирлашмалари орқали амалий ва аниқ натижаларга эришиш учун қўйдан юқорига, «оқруғ — туман (шаҳар) — вилоят — республика» тартибига амал қилиш кўзда тутилган. Бу, албатта, шунчаки гап эмас. Бу дастур устида партиямизнинг бутун тизими ишлади, 214 туман (шаҳар)нинг ижтимоий харитаси шакллантирилди. Мазкур хариталарда туманнинг ўзига хос ривожланиш ҳолати, одамларни ўйлантираётган масалалар ҳамда уларнинг ечимини бўйича таклифлар ўрин олган.

Партия Сайловолди дастурида олис қишлоқ жойларидagi мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга малакали ва бой тажрибага эга мутахассисларни жалб этиш мақсадида партия тегишли моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича аниқ механизмларни қонунчилик даражасида мустахкамлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ўз фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси билан чиқишни режалаштирган.

қишлоқ одамларининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар Қорақалпоғистон аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, саломатлигини мустахкамлаш, муҳофаза қилиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади.

Партиямизнинг устувор мақсад ва гоёлари ифодаланган Сайловолди дастури бир овоздан тасдиқланди.

Партиямиз фикрича, аҳолининг эътиҳамдан қатламларини юқори ижтимоий таъминланганлик даражаси — жамият барқарорлигининг мустаҳкам пойдеворидир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, партиямиз Мурувват, Саҳоват ва Меҳрибонлик ўйларига истикомат қилувчи кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлиги бўлган шахслар учун замонавий, ҳар томонлама қўлай шароитларни яратиш ҳолатини жойларда депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати тарққасида ўрганишни кучайтиришни мақсад қилган. Биз шу пайтга қадар ҳам мазкур масалани мунтазам ўрганиб бориб. Эндилдақ янги Сайловолди дастури асосида бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришни режалаштиряймиз.

лар, хотин-қизлар, қишлоқ ҳудудларида истикомат қилаётган аҳоли вакиллари иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилигининг диққат марказида туриши зарур, деб ўйлайман.

Сайлов кампаниясида фаол иштирок этиш учун партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада қучайтиришимиз зарур. Биз нафақат партия аъзолари, балки меҳнат жамоалари, маҳаллаларда тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришимиз талаб қилинади.

Сайловолди ташвиқотида фақат номзодимиз таржимаи ҳоли билан чекланиб қолмасдан, партиямиз дастурий мақсадларига мувофиқ равишда жойларда амалга оширилаётган ишлар, партия гуруҳларимиз кўтариб чиқаётган ташаббуслар ва уларнинг аҳамияти ҳақида кенроқ маълумот бериб боришимиз керак, деб ҳисоблайман. Чунки депутатларимизнинг фаоллиги ва фидоийлиги аҳоли ўртасида партиямизнинг нуфузини орттиришга хизмат қилади. Бу Сайловолди ташвиқот ишларида жуда кўп келади.

буён демократик тамойиллар асосида барча сайловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Демак, бу борада тажрибамиз етарли. Сайловолди ташвиқоти жараёнида куч ва имкониятларимиздан самарали фойдаланишимиз талаб этилади.

Партиямиз Сайловолди дастурига унча гоё умумий асос сифатида олинган. Булар — ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия. Шунингдек, партиямиз дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини, бандлиқни таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш масаласи ўртага ташланган. Бу бежизга эмас, албатта.

Чунки ҳар бир давлат ўз иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқининг турмуш даражасини юксалтириш ҳақида ўйлайди. Унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, тарақиёти бевосита шунга боғлиқдир. Шу маънода партиямиз илгари сураётган гоёлар бугунги долзарб ижтимоий масалаларни ўз ичига олган.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Махлиб АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбирлари.



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят
кенгаши раиси:

— Сайлов кампанияси даврида туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар партиямиз гоёларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга хизмат қиладиган тадбирларни изчил йўлга қўйиши керак. Мазкур жараёнда, айниқса, сайловда биринчи марта овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган ёш-



Ўрол ЎРОЗБОВЕВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:

— Сайлов халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифода этиладиган, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштирокини таъминлайдиган муҳим сиёсий жараёндир.

Таъкидлаш кераки, партиямиз мамлакатимиз мустақилликка эришганидан

Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз... лозим

ОНА ТИЛИМИЗ –
КАДРИЯТЛАРИМИЗ
ТИМСОЛИ

Уни авайлаш, тўғри қўллаш, бойитиш ҳар биримизнинг бурчимиздир



Хаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
ЎЗХДП фаоли.

Дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимизнинг тимсоли, бебаҳо маънавий бойлигимиз ва буюк қадриятимизга айланган. Шу тилда яратилган буюк тарихимиз, жаҳонни ҳайратга солган мумтоз адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналари, ёрқин ва жозибador санъатимиз, минг йиллик мақомларимиз, миллатимизнинг барҳаёт қахрамонларини қўйлаган дostonларимиз асрлар оша оламни ҳайратга солиб яшаб келмоқда. Аждодларимиз шу тилда улкан илмий кашфиётларни ёзиб бизга мерос қолдирган.

Туркий тил бизга ғазал мулкнинг сўлтони Алишер Навоийдан мерос, Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»сини яратган тил, дунёнинг ярмини бирлаштириб, марказлашган буюк давлат барпо этган Соҳибқирон Амир Темурулуғ Қонулар битган тил, тил илмининг билимдони Абу Али ибн Сино «Тиб қонуларини» ёзган тил, Мирзо Улуғбек «Зиқи Қўрагоний» асарини яратган тилдир. Ўзбек тилининг бор қудрати, салобати, жозибаси ва барҳаётлигининг илidlарни ҳам буюк тарихимиз, жаҳонни ҳайратга солган адабиётимиз билан қамбарчас боғлиқдир.

Октябр ойининг 21 санаси мамлакатимиз, жаҳиятимиз ҳаётида энг мунаваар, энг ҳайратли, энг қувончли кун сифатида муҳрланди. Бундан буён бу қутлуг сана мамлакатимизда ва халқаро миқёсда «Ўзбек тили байрами кўни» сифатида ҳар йили қатта тантана ва шодибаналар билан нишонланади. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг, миллатимизнинг қўнғилдаги энг зғу ниятларига, орзуларига ҳамоҳанг тарихий ҳужжат сифатида дунёга келди, ҳар биримизнинг қалбига кенгис чексиз гуруру ва ифтихорга тўлди. Байрам кўни Президентимизнинг маърузасида ушбу ҳушхабар янграган лаҳзаларда қўнғилдан кенган туйғуларни, ҳаяжонни ифодалаб беришдан оқибат.

Минг йиллик тарихимизга назар ташласак, жаннатоманд юртимизни қайта-қайта босиб олган ёвуз қучлар бизни миллат сифатида йўқ қилиб юбориш мақсадида ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, динимиздан ҳудо қилишга уринганлар. Лекин имони бутун, матонатли халқимиз энг оғир машаққатли даврларда ҳам ўз она тилини – миллий гурурини омон сақлаб қола олди. Нафақат сақлаб қолди, балки бугунги авлодга етказиб бера олди. Мен бир ижодкор сифатида 1989 йилда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг икки марта халқ муҳокамасига ташланганини, лойиҳа муҳокамаси атрофидаги тортишувлар, баҳслар, мунозараларни яхши эслайман. Чунки ана шу қизгин мунозараларда давлат тили ўзбек тили бўлиши лозимлиги ҳақидаги тақлифларини қайта-қайта билдирганман. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун юртимизда, қўнғилмизда қатта байрам бошланганини ҳис қилганман. Бу кун истиқлолмиизга қўйилган илк қутлуг қадам эканлигини англаганмиз ўшанда.

Бугунги кунда халқаро майдонда кун сайин обрў-эътибори юксалиб бораётган, миллий юксалиш босқичига қадам қўйган Ўзбекистонимизни дунёга танитиш, эътироф этиришда она тилимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча соҳалар билан бир қаторда давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани қувонarli ҳолдир. Бу билим масканидан етук тилшунослар, матншунос олимлар, туркий тилининг билимдонлари, фольклоршунослар етишиб чиқадилар, улар она тилимизнинг ривожига шубҳасиз, қатта ҳисса қўшадилар.

Бугунги кунда ўзбек тили жаҳон минбарларида баралла янграмоқда. Олимларимиз, ижодкорларимиз халқаро анжуманлар минбарларидан туриб, ўзбек тилида оламшумул маърузалар қилмоқдалар. Жаҳондаги энг ривожлан

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН –
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Онанинг сеҳрли алласидек ёқимли, ҳузурбахш, ҳаётбахш қўшиқ йўқ. Ҳар бир халқнинг ўз она тилида айтилган алла унинг жисмига, руҳига жон бағишлайди, руҳиятига, шуурига, маънавиятига нур, қалбига меҳр ва гуруру олиб қиради, уни улғайтиради, камолга етказди, инсон сифатида шакллантиради. Алланинг моҳиятидаги эзгулик оҳанг билан муррак юракларга сизиб қиради, шу боис онамиз алласининг мунис оҳанги сўнги нафасимизгача дилимизда жаранглайверади.

МУНОСАБАТ

ТИЛГА ЭҲТИРОМ – ЭЛГА ЭҲТИРОМ

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлиги, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қачонки истилоҳчи қучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий гуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чанғалига тушиб қолган истибод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас.



Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
профессори,
филология фанлари доктори.

1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуний қабул қилиниши мамлакат мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Истиқлол йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан. ўзбек тилида иш юритиш, ҳужжатлар тайёрлаш бўйича қўлланмалар яратилди, мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ҳамада лугатлар, дарслик, ўқув қўлланмалар нашр этилди, 2003 йилга қадар «Атамашунослик қўмитаси» фаолият юритди. Вазирилар Маҳкамаси қоидада ташкил қилинган ушбу қўмитанинг самарали меҳнати эвазига мухторият, маъмурият, маъмур, муқорий, ҳакам, ташриф, инсонпарварлик, хусусийлаштириш, бошбошдоқлик, қолдик (саъдо), иқтисодий, маълумотнома, режа, дастур, уюшма, кенгаши сингари жуда кўп ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга доир тушунчалар қайтадан қўлланашга киритилди. Хорижий терминларни сўз асалиш усуллари (сўз ясовчи моделлар) асосида янгидан юзага келган ясама-лар билан алмаштириш жараёнида ўзбек тили лугат фондида олувчи (адресат), жўнатувчи (адресант), тавсиянома (характеристика), буюртма (заявка), нархнома (прейскурант), маълумотнома (справка), фуқаролик (подданство), дахлсизлик (иммунитет), ишбилармон (предприниматель), таъмирчи (реставратор), қуриқтанлов сингари кўпгина терминлар мустаҳкам ўринини топди.

Айниқса, кейинги уч йил ичида бу борада олиб борилаётган сазй-ҳаракатларни алоҳида

таъкидлаш лозим. Ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бекторор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида 2016 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши бунинг ёрқин исботидир. Университетда ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз маънавий ривож, замонавий илм-фан тараққиётида тугган ўрнига бағишланган долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, лугатлар, рисола, ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр этилмоқда. Етук мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш ва имло қоидаларини такомиллаштириш масалаларига қатъи эътибор берилмоқда. Бу ерда ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, ноширлик иши, фольклоршунослик ва диалектология, адабиётшунослик, олий адабиёт курси, гд ҳамоҳлиги ва туризм каби янги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлар фаолияти йўлга қўйилди. Университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан Америка, Франция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Швеция сингари давлатларнинг катор олий таълим муассасаларида ўзбек тили курслари, факультет ва марказлар очилди. Бир сўз билан айтганда, тилимиз сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграй бошлади.

Айни пайтда, тилимизнинг ривож, кенг қамровли қўлланиши, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ҳамда мавқеини янада оширишга тўсиқ бўлаётган қатор долзарб муаммолар ҳам бори, улар киши кўнгилини хира қилади. Булар: - ОАВ, интернет, хусусий қўнғилчоқанашлар, телеканал ва радиоканаллар, бэъзи идора ҳамда ташкилотларда давлат тили қоидаларига амал қилмаслик; - метро, қўчалардаги реклама, эълон, бекатлар ва автобуслардаги ёзувларда учрайдиган қўллаб имовий хатолар; - қаҳракона, тўйхона, дўконлар, турли фирмалар ва масъ

улият чекланган жамиятлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, гарчи, хорижий маблаглар ёрдамида ишламаса-да, уларнинг чет тилида номланиши;

- маҳсулотлар, товарлар, жиҳозлар, уй-жойлар, қурилиш материаллари олди-сотдиси, автотомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари билан боғлиқ эълонларнинг ўзга тилда берилиши;


- телебошловчиларнинг шевага хос сўзларни ишлатиши, улар нутқидаги услубий ғализликлар, кўрсатувлар ва қўнғилликлар, кўрсатувлар ва қўнғилликлардаги айрим моддаларнинг бир-бирини инкор қилиши;

- фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, санаят, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилининг тўлақонли қўлланилмагани билан боғлиқ масалалар;

- ўзбек тилининг шевалари, тарихий тараққиёти билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, илмий кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ва ҳоказо.

Қолаверса, бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратишни кун тартибига қўймоқда. Шу маънода, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори, 21 октябр кун ҳукумат миқёсида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимнинг ташкил этилиши ва унда давлат раҳбарининг нутқ сўзлаши халқимиз аввало, «ёш авлод»ни ватанпарварлик, миллий анъана, қадриятларимизга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Шунингдек, ўзбек тили байрамнинг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва гурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади. Президентимизнинг кўни кеча эълон қилинган давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қайд этилган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим дастури амал вазифасини ўтайди. Мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни



қўзда тутган, гоят зурур пайтда имзоланган мазкур фармонга мувофиқ 21 октябр санаси «Ўзбек тили байрами кўни» сифатида эътироф этилди. Вазирилар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Фармонда департаментнинг асосий вазифалари ҳам белгиланган. Хусусан: давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш; ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш; илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириш.

Фармонга асосан «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиши, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этилиши ўзбек тилининг давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улғу мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли кўч бўлиб майдонга чиқишида, шу билан бирга, атамалар унификациясини ўтказиш, терминологик аппаратнинг мукамаллигини таъминлашда

алоҳида аҳамият касб этади. 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сисбатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳасини тайёрлаш масаласи эса давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг манتيқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам ташланганининг далилидир.

Зикр этилган дастурдан бошқа меъерий ҳужжатларда кузатилмаган мамлакатимиз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш; хорижда истикомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўргатиш истидаида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш сингари йўналишларнинг ўрин олиши ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаёти ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан оширишга қўмаклашди.

«Дарҳақиқат» бугун «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» қадам ташлаётган мамлакатимизда давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бирига айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқат она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидадига айлантиришимиз лозим.

Хулоса шуки, миллий маънавиятимизнинг ўзати, халқимиз маъвудлиги ва тириклигининг белгиси ҳисобланган, қолаверса, бугун бизнинг қилмишимизни бутун жаҳонга намойиш қилаётган бой тилимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлашимиз, унинг келгусидаги тақдири учун қайғуришимиз лозим. Зеро, тилимизнинг ривож, мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи омиллардан биридир.

«Ўзбекистон овози»ни доим ўқиймиз»

дейди Музработ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълочиси, ЎЗХДП аъзоси Рустам Одинаев



ОБУНА-2020

Шиддат билан ривожланаётган замонни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ажойиб ҳамроҳ ва яқин кўмақчимиз орқали янгиликлар билан танишамиз. Ўзгариш ҳамда тараққиётдан хабардор бўламиз.

Партияимиз нашрлари – «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари ҳам Мамлакатимиздаги тарихий ислохотларга бағишланган тахтилий мақоллар, ҳудудий мавзудаги таъқиқий мақолалар, иқтисодий соҳадagi муаммолар мунтазам ёритиб борилади. Партия ташкилотлари иш тажрибаси, депутатларимиз фаолияти, тақлифлари, партияимизнинг Олий Мажлисидаги фракцияси, ЎЗХДП Марказий Кенгаши тадбирлари, қарор ва тавсияларига кенг ўрин ажратилган.

— Меҳнат фаолиятимиз 17 йилдан ошди, — дейди Ўзбекистон ХДП Музработ туман кенгаши раиси Панюк Норматов. — Тақрибамдан келиб чиққан ҳолда айтганим бўлсам, ҳаётни маънавият ва маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қайси соҳа бўлмасин, ўйиш ва янлаишни талаб қилади. Шунингча ривожланиш ва тараққиёт бўлади.

Бундан уч-тўрт йил олдин ташкилотимиз мушкул аҳволга тушиб қолганди. Бир неча марта раҳбар алмашганига қарамай, ҳолат яхшиланимади. Утган йилги кенгаши раислигига қайта сайландим ва фаолиятини бой берилган имкониятларини ишга солишдан бошладим. Борич қийин бўлган ҳудудларда учрашув ва семинарлар ташкил қилдик. Давра суҳбатлари ўтказилди.

Маънавий-маърифий ва тарбиёт-ташвиқот ишларини яхшилашда туман ҳоким

лиги, прокуратура, тиббиёт бирлашмаси, Халқ таълими ва мақтабгача таълим бўлимлари, «Музработ пахта» очик ақциядорлик жамияти, Қишлоқ ҳўжалиги бўлими, «Автошумас» корхонаси, «Агропрогурут» бўлими ва бошқа ташкилотлар янгидадан ёрдам берганидан хурсандим.

Хайрли ва зғу ишлардан кейин тарафдорларимиз сафи кенгайди. Ҳозирги кунда ҳудудда 2 минг 542 нафар аъзони бирлаштирган 42 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Халқ депутатлари туман Кенгашида 10, вилоят Кенгашида 2 нафар депутатимиз бор.

Маънавият ва маърифат инсонни камолотга, жамиятни тараққиётга етказайди, дейдилар. Фаоллар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва депутатларимиз билан келгуси йил учун 120 нуска «Ўзбекистон овози» ва 20 та «Голос Ўзбекистана» газеталарини расмийлаштиришга келишиб олдик.

— Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси янги босқичга қиди, десак ҳеч муболаға бўлмайди, — дейди Музработ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Соғлиқни сақлаш аълочиси, ЎЗХДП аъзоси Рустам Одинаев. — Ҳудуднинг 136 минг нафардан ортиқ аҳолиси 10 муассаса, 7 қишлоқ ва оилавий поликлиника хизмат кўрсатмоқда. Қисқа даврда

марказий шифохонанинг давонаш бўлими 3 миллиард 760 миллион сўмга мукамал таъмирланган бўлса, ўтган йили лойиҳа қиймати 3 миллиард 650 миллион сўм бўлган юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Обод қишлоқ» дастури асосида иш бошланган 47-қишлоқ оилавий поликлиниканинг тиббий хизматларидан «Юртим жамол», «Ат-Термизий», «Янги дийр» маҳаллаларининг 12 минг 600 дан ортиқ аҳолиси мамнун.

— Соҳада меҳнат қилаётганларнинг 300 нафардан ортигини ЎзХДП аъзолари ташкил қилади, — дейди тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Азамат Бекбобоев. — Сафдошларимизнинг сазй-ҳаракати билан 2018 йилда эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган 200 нафарга яқин кишига ногиронлик аравачалари, тиббий жиҳозлар, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёллар олиб берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида қарий 30 миллион сўмлик совғалар топширилди.

Шу ўринда «чимчи қутайган муаммо ҳақда ҳам тўхталмоқчиман. Туманда мутахассис кадрлар етишмаслиги долзарбдигича қўлаётганини инобатга олган ҳолда ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қараттамиз. Ўтган йили 129 нафар, жорий йилда 50 нафарга яқин ерча ва хашира махсус ўқув муассасаларида тажриба алмашди. Яқин йилларда бу ҳам ўзининг ижобий натижаларини беришига ишончман.

Маълумки, партия ташкилотлари, фаоллар ва депутатлар учун партияимиз матбуоти алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда 21 нафар сафдошимиз «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарини мутлоаа қилаётган бўлса, 2020 йилда 26 нафар киши ушбу нашрларни мутлоаа қила бошлайди...

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тарихий ўзгаришлар ва юксалишлар

ЯНГИЛАНИБ, ЯШАРАЁТГАН
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНИМ!

Сўнгги икки ярим йил оралиғида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида беш марта бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан яқиндан танишди, минтақани янада ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 15-16 ноябрдаги ташрифи чоғида илгари сурган ташаббуслари туфайли 11 триллион 534 миллиард сўмлик 793 лойиҳа қабул қилинди. Пировардиди минтақада 12 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлди.

Жорий йилнинг 16 январиди эса Вазирлар Маҳкамасининг «Мўйноқ туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида туманда 2019-2021 йилларда 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланди. 2019 йилнинг ўзига 622 миллиард сўмлик 8 та мактабга таълим муассасаси, 7 та мактаб, 4 та спорт объекти, 6 та соғлиқни сақлаш, 8 та маданият объекти чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор қабул қилинди. 7-умумтаълим мактаби ва 32-қиллоқ врачлик пунктида реконструкция ишлари амалга оширилди, 33-қиллоқ врачлик пунктида муаммалар кўриш ишлари якуниланб фойдаланишга топширилди.

Утган қисқа вақт мобайнида 800 ўринлик амфитеатр ва давлат хизматлари маркази янгидан қурилди, стадион ва маданият маркази реконструкцияси тўлиқ якуниланди. 7-умумтаълим мактаби ва 32-қиллоқ врачлик пунктида реконструкция ишлари амалга оширилди, 33-қиллоқ врачлик пунктида муаммалар кўриш ишлари якуниланб фойдаланишга топширилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича бўлиб ўтган йиғилишда ҳудудда ҳали жиддий муаммолар борлиги, саноатни ривожлантириш, иш ўринларини кўлайтириш бўйича ишлар етарли эмаслиги таъкидланди.

— Ишга кирган битта хотиннинг бахтини тасаввур қиласизларми? — дейди Шавкат Мирзиёев. — Ёшларни қим етказиш, тўғри йўналиш беради? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларида «қилса бўлар экан-ку» деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Президентимиз раҳнаомлигида иқтисодий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, бу эҳтишларнинг замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, юртимизнинг бундан кейин янада раванқ топишини таъминлаш сингари катта мақсадлар мужассам.



ЧИМБОЙ ТОМОНЛАРДА БАХТ БАЛҚИБ ТУРАР

Нукус шаҳридан Чимбой томонга йўлга чиқсангиз, қорақалпоқ кентликлариининг ўзига хос жойбаси, табияти қўнғилчигини яратган, кенг ва раван йўллар сизни «Халқ-обод» шаҳарчасига етказиши.

Замонавий бозор, маданий-маиший, савдо шохобчалари, маъмурий бинолар, болалар ўйингоҳлари, атрофида анвоий гуллар барқ уриб ўсаётган йўллар, қатор янги-яшил арчалар шаҳарчага ўзига хос кўрк бериб турибди. Мана, Чимбойга яқинлашар эканмиз, йўлнинг ўнг томониди кўркам бир зияратгоҳга кўзимиз тушди. Бу ерда қорақалпоқ халқининг улуг шоири, маърифат даргалари Бердак бобо ва Қўнқўжа шоир музейлари ёш авлодни бағрига қорлаб турибди.

Айни пайтда Чимбойда «ZANG TEX» масъулияти чекланган жамияти томонидан хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда 10 миллион АҚШ доллари миқдориди инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яқин кунларда Чимбойда ип-йигирув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушади. Юзлаб иш ўринлари яратилади.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси натижасида Чимбой шаҳри маркази, қиллоқлар кўчаси давримизга мос равишда ўзгариб, яшариб бораёпти. Айниқса, жорий йилда мўлжалланган инвестиция дастури доирасида Олпавий, поликленика, аҳоли бандлигини таъминлаш маркази, болалар муноси ва санъат мактаби бинолари каби иншоотлар қурилиши жадал давом этмоқда. Шунингдек, тумандаги 7-сонли мактаб, 13,5 км масофадиги ичимлик суви тармоқлари, 7 та кўп қаватли турар-жой биноси ва 6,5 километр ички йўллар таъмирланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қиллоқларда эҳтишманд аҳолини арзон турар-жойлар билан таъминлаш борасидаги Фармон ва қарорлари асосида Чимбойда 3 хонали 8 та уй, 4 қаватли, 24 қаватли битта турар-жой биноси фойдаланишга топширилиши арафасида турибди.

Чимбойда «Обод қиллоқ» дастури доирасида «Қамиш ариқ», «Бахтли», «Қўнча» сув фўқаролар йиғинлари ҳудудларида 44 объектда ободонлаштириш, таъмирлаш, қайта қуриш ишлари ҳамжиҳатлик билан олиб боришмоқда. Бу каби бунёдкорлик ишларини санаб, таърифлаб адоғига етиш қийин.

Шу кунларда белгиланган вазибалар икроси доирасида Нукус-Таштақўтир автотўлиқининг Чимбой туманидан ўтувчи 6,4 км масофаси бош кўча қилиб белгиланди. Эндилкида ушбу ҳудуддаги Дўстлик гузари бўйида 3 қаватли кўп қаватли 10 та турар-жой биносини қуриш, 20 та янги тартибдаги эски турар-жойларни кўчириш, Чимбойда марказий канализация тармоқини яратиш ишлари бошлаб юборилган.

Ҳозир Чимбойда ҳар кўни бир янгилик, яқинда икки қаватли «Китоб дўхиси» дўкони фойдаланишга топширилди.

Бу ўзгариш ва янгилашлар, яратилаётган шарт-шароитлар туман аҳолини фидокорона меҳнатта қорламоқда, қўнқўжлик деҳқонлар бу йил гаппа, пилла топириш режаларини Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб урдададилар. Шу кунларда миришкор пахтакорлар 5200 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилини гайрат билан йиғиштириб олмақда.

АМУДАРЭ ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, нечакча асрлардан бери халққа оби ҳаёт, ризқ берувчи, дастурхонларни тўйин-сочин қилувчи улуг ва асос Жайхун бўйидаги Амударё тумани нафакат Қорақалпоғистонда, балки бутун Ўзбекистонда деҳқончилик академияси, деб тан олинган.

Айниқса, мустақиллик йилларида Амударё туманининг иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичлари кескин кўтарилди. Туманда пиллачилик, гаппа-чилик, пахтачиликнинг ўзига хос катта таъриба мактаби яратилди.

Тумандаги 572 фермер ҳўжалигидан 185 таси 7146 гектар майдонда кластер усулида пахта етиштирмоқда. Чорвачилик соҳасида 49, бодгорчилик йўналишида 36,

паррандачилик бўйича 10, сабзавот, поллиз маҳсулотлари етиштиришда 27, аҳолини баглиқ маҳсулотлари билан таъминлашда 66, асалари-чилик ва яна бошқа йўналишларда 10дан ортиқ фермер ҳўжаликлари фаолият кўришмоқда.

Президентимизнинг аграр соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш, бу соҳага инновациялар ғояларни олиб кириш, деҳқончилик маҳсулотларини экспортга чиқаришни кўлайитириш, дастурхонлар тўйин-сочинлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини шу тарихда ортиб бориши борасида чиқарган фармон ва қарорлари, берган қимматли кўрсатмалари самараларини Амударё тумани деҳқонлари эришаётган ютуқлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 6 та лойиҳа бўйича 1 миллион 37 миң АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу маблаг мева-сабзавот, аччиқ қаламларини қайта ишлаш, чинни ва шиша идишлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди.

Булар ҳаммаси туман саноатини янги босқичга кўтариш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Туманда инвестиция дастури бўйича саноат соҳасида 17 та лойиҳа, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 3 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 9 та, енгил саноат ва бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 5 та лойиҳага 120 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция кириштирилиб, кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда, йил охиригача 10 та лойиҳа ишга тушиши назарда тутилган.

Бу лойиҳалар ишга тушса, халққа нима беради, деган савол туғилади. Биз юқориди тилга олган 40 дан ортиқ лойиҳа амалга ошгач, туманда йилгига 36 миң донда тайёр тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотлари, 1 700 донда эшик, дераза ва мебель, 48 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, аҳолига 324 тонна ун маҳсулотлари, 871 500 донда нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилади. Туманда 1396 тонна қизилмия илдизини қайта ишлаш, 201,6 тонна автомобиль мотор мойини қайта ишлаш, 420 донда мебель, 7 000 донда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 2640 донда темир жиҳозлар яратиш, аҳоли эҳтишларини қондириш учун кенг имкониятлар очиб беради, минглаб янги иш ўринлари яратади.

Туман аҳолисининг турмуш фаровонлиги ортаётганлиги, қиллоқлар кўрениши ўзгариб, кўркам ва гўзал, обод бўлаётгани, янгидан йўллар, кўчалар, гулзорлар, хиёбонлар барпо этилаётгани улуг ниятлар билан бошланган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Айниқса, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 ташаббус йўналишида аниқ режалар асосида иш олиб боришмоқда.

Туманда «Ватан менинг ниғоҳимда», «Мен нечун севаман Ўзбекистонини?», «Тасвирларда яшар олам» мавзуларида ёш санъаткорлар, рассомлар, шоирларнинг танловлари ўтказилди. Бундан ташқари, 320 ўринли стадион, 64 спорт зали, 13 та сўнгий қўламали мини-футбол майдончалари, сузиш бассейни ёшларни жисмонан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган ҳаётимизга компьютер технологиялари ва интернет чўқур кириб келмоқда. Бу борада туман ёшларига «Компьютер саводхонлиги» тўғрисида катта ёрдам бермоқда. Ёш тадбиркорлар ташкил қилган «Мўхриддин Болтабоев» ва «Шерали Шўҳраҳон» корхоналари ёшларга компьютерларга техник хизмат кўрсатиш қўнқўмаларини тақомиллаштиришда кўмакдош бўлмоқда. Бу ишларга туманда 700 нафардан ортиқ ёшлар жалб қилинган.

«Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан» шиори остида умумтаълим мактабларига 10 мингдан ортиқ китоб совға қилинди. 4 та ҳудудда икки мингдан ортиқ китобни жамлаган халқ кутубхоналари ташкил этилди.

Бугунги ниҳоятда долзарб масала хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Шу мақсадда туманда уларнинг 209 нафари тадбиркорликка йўналтирилди. 70 нафари хўнрамандчиликка жалб этилди, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 22 нафар талабгорга 750 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, 90 та янги иш ўрни яратилди. 150 нафар хотин-қиз тикувчиликка йўналтирилди. 73 нафари касбга қайта тайёрланди. Бундан ташқари, 280 нафар она-сингилларимизга «Ҳар бир оила тадбиркор» доирасида 3 050,7 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Амударё тумани бўйича биз эътироф этган маълумотлар туманда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларининг бир қисми, ҳолос.

...Чимбой ва Амударё туманларидаги бундай янгилашлар, бунёдкорликлар Қорақалпоғистоннинг барча гўшаларида қизгин давом этмоқда.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси депутаты, сенатор.

лойиҳаси муҳокамасида соҳа мутахассиси сифатида иштирок этдим ва ўз муносабатини билдирдим. Қўнун Сенатда 2019 йил 11 октябрь кўни кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ҳўш, ушбу қўнуннинг қабул қилиниши бизга яна нима беради?

Биринчидан, ахборот-кутубхона тизими ривожланишига, аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида ахборот-кутубхона муассасаларига қизиқишнинг ортишига, юқори малакали кадрлар сонининг кўпайишига таъсир кўрсатади;

Иккинчидан, аҳолига кўрсатиладиган ахборот-кутубхона хизматлари сифатини ошириш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини тақомиллаштириш;

Учинчидан, ахборот-кутубхона тизимида сидидидилдан меҳнат қилаётган, соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ҳодимларни рағбатлантириш каби имкониятлар эшигини очади.

Шунингдек, ахборот-кутубхона соҳаси нуфузини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация тизимини жорий қилиш орқали ахборот-кутубхона муассасаларининг ишини тақомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан янада муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, 1870 йил май ойида Тошкент шаҳрида биринчи оммавий кутубхона ташкил этилган. Ёъни, ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига асос солинган. Бугунги кунда республикамизда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси мавжуд. Шунингдек, вазирилқлар, идоралар ва давлат органлари, шаҳар, туманларда ҳам ана шундай зиё масканлари ишлаб турибди. Ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фонди 150 миллиондан зиёдиди ташкил қилади. Мазкур тизимда 25 миң нафардан ортиқ ҳодим хизмат қилмоқда.

Қўнунда кутубхоначиларни кўп йиллик халоп меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш ўз аксини топанлигини ўйиб, бошимиз осмонга етди. Албатта, бундай ғамхўрлик улкан рағбат, эътироф бўлиш билан бирга, юксак масъулиятдир. Яратилган бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун вазифамизга иқодий ёндашишимиз, янги ташаббуслар билан ишлашимиз керак бўлади.

2019 йил 23 август кўни Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида ушбу қўнун

ФАРМОН ВА ИЖРО

Юртимиз иқтисодий қудрати бевосита тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда эркин бизнес муҳитини яратиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича соҳага оид фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг келгусига ишонч билан кўтаринки руҳда фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий асос яратилди.

Ҳар бир
мурожаат кўриб
чиқилади

Айни пайтда тадбиркорлик ҳўжжатларини расмийлаштириш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди. Солиқ тизими тўдан ислоҳ қилинди. Тегишли ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини мақсадсиз текширишлар қисқартирилди. Шунингдек, «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Yoshlar — kelajagimiz» каби дастурлар тадбиркорлик истагида бўлган фўқароларимизга қўлай имкониятлар яратиш бермоқда.

Афсуски, шундай бўлса-да, жойларда тадбиркор фаолиятига сабабсиз, билиб-билмай аралашш, тўқсинлик қилиш, айрим ташкилот раҳбарларининг бюрократлиги, таъма илнчиликда ортиқча қўғозбозликка берилиш ҳолатлари учраб турибди. Шу каби муаммоларни тизимли равишда, тезкорлик билан ҳал этиш, тадбиркорларга яқиндан қўмак бериш мақсадида жорий йилнинг 14 май кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тўдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, барча ҳудудларда янгича тизим — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида ҳам шундай қабулхона фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда туманда тадбиркорларни қизиқтирган масалалар ва муаммолар юзасидан очик мулоқот ўтказилди. Туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри идоралари, банк ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу мулоқотда туманда бўлаётган ўзгаришлар, тадбиркорларнинг ўз бизнесини юритиш, ривожлантириш ва кенгайтириш йўлида яратилган кенг имкониятлар ҳусусида маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга тегишли маслаҳатлар берилиди.

— Тадбиркорлик фаолиятини 2007 йилда бошлаганим, — дейди Олмазор туманидаги «Сувзнергосервис» МЧЖ раҳбари Алишер Мирзақаримов. — Корхонамиз автомобиллар учун махсус техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бирок айрим сабаблар билан 2017 йилда суд қарорига биноан корхонамиз халтанди ва бандлаб қўйилди. Оқибатда 50 нафарга яқин ҳодим ишсиз қолди. Утган икки йил давомида борманган, югурмаган жойим қолмади. Яқинда Президент фармони ижроси доирасида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Олмазор туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мазкур муаммо юзасидан мурожаат қилган эдим. Мурожаатим соҳани яхши тушунадиган ҳодимлар томонидан ўрганилиб чиқилди. Муаммо ижобий ҳал қилингани туфайли корхонамиз фаолияти яна қайта тикланмоқда. Ишчиларимиз ўз иш жойига қайтмоқда. Бунинг учун ушбу қабулхона жамоасига ўз ташаккуримни билдираман.

Очик мулоқот давомида «business.gov.uz» ягона интерактив портали орқали мурожаат қилиш тартиблари тушунириб берилиди. Аризачи ўзининг шахсий кабинетига орқали мурожаатини кўриб чиқилиши жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориши мумкинлиги таъкидланди. Шунингдек, Олмазор тумани бўйича тадбиркорлардан келиб тушаётган мурожаатларнинг 75,4 фоизи ижобий ҳал этилгани, вақт талаб этиладиган мурожаатлар назоратда тургани ҳақида маълумот берилди.

Шухрат АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг Тошкент шаҳар
Олмазор туманидаги Тадбиркорлар
мурожаатларини кўриб
чиқиш қабулхонаси
етаҳки мутахассиси.

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти юксалмоқда
ёки «Кутубхоначилар кўни» белгиланди.



Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар «Bilibin»
ахборот-кутубхона маркази
директори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиладиган янада тақомиллаштириш тўғрисида» ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти, интеллектуал салоҳияти онгу тафаккури юксак инсонларга боғлиқлиги тўғрисида кўп гапиримиз, кўп тақорлаймиз. Тўғри. Аммо тафаккур китобга, мўтлоага боғлиқ, десак яна бир ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мўтлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар

дастури тўғрисида»ги қарори бу мақсад йўлида дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг бирида ёшлар ўртасида китобхонлигини кенг тарғиб қилиш вазифаси ўз ифодасини топан. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 7 июнь кўни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиладиган янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ёшлар ўртасида китобхонлигини ривожлантириш, улга маънавий-маърифий тарбиясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қарорга асосан «2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси» ва «2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар» дастурида соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари ягона ва бир бутун тизим сифатида ўз аксини топан.

Қарорда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини шакллантириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хўнар таълим муассасаларида мавжуд бўлган барча ахборот-ресурс марказларини тутатиш вазифаси қўйилди. Янги АКМлар ташкил этилиши натижасида 2020 йилга қадар республика туман ва шаҳарлар аҳолисининг 86 фоизини китобхонликка қамраб олиш вазифа этиб белгиланган. Мавжуд кутубхоналарнинг 10 фоизи, яъни 21 тасини ягона маълумотлар интерактив базасига улаш орқали Ўзбекистон ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигини яхлит тизим сифатида йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Концепциянинг биринчи босқичида электрон китоблар фондиди 1,2 миллион нусхагача кўпайтириш, 14 та

хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ришталарини боғлаш, иккинчи босқичида эса 207 та кутубхонани ягона маълумотлар интерактив базасига улашни қўнқўлаш ҳамда электрон китоблар фондиди 3,3 миллион нусхагача кўпайтириш, шунингдек, 21 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш каби масалаларнинг ўрин олгани китобхонлар учун катта имкониятлар эшигини очади.

Мазкур ҳўжатда яна бир муҳим масала — кутубхона соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлигини, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоқини ривожлантиришга эътибор қаратилганлигидир. Зеро, аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишда меъёрий-ҳўқуқий базани тақомиллаштириш, электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, китоблар фондиди яхши сақланишини таъминлаш каби вазифаларни бажариш орқали кутубхона хизмати фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мумкин. Шу билан бирга, кутубхоналарнинг бюджетдан ташқари маблаг ишлаб топиш имкониятини кенгайтириш ва хусусий шерикчилик асосида янги хизмат турларини жорий этиш натижасида кутубхоналар фондиди бойитиш, ҳодимларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконияти яратилади.

Энг асосий мақсадимиз аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбат

— Бундан уч йил муқаддам Президентимиз ички ишлар органларини халқ манфаатларига чинакамга хизмат қилувчи ижтимоий тузилмага айлантириш вазифасини қўйган эди. Ҳар бир ички ишлар органи ҳодими тисмолида юртимиз ўз ҳимоячисини қўриши лозимлигини таъкидлаганди. Ушбу вазифа ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев доим икки масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар: **биринчиси**, Ватанимиз раванки ва тараққиётининг энг муҳим омил бўлган юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, **иккинчиси**, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни воқға етказиш.

Бу масалалар давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан этиб белгиланди. Бунинг сабаби нимада?

Маълумки, сўнгги йиллар давомида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жараёнида асосий эътибор юксак технологиялар ва инновацияларни жорий этиш, мамлакатимизга чет эл инвесторларини жалб қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳорижий компания ва корпорациялар, ишбилармон доиралар ўз сармояларини тинчлиги барқарор мамлакатга сарф қилишини алоҳида таъкидлаганди. Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик барқарор юртга инвестиция киради, бундай давлат ҳар томонлама юксаклади, тараққиёт топади. Мамлакат ривожланиши, аҳолиси соғлом бўлади, баркамол авлод воқға етади, соғлом халқ эса улкан ишларга қодир бўлади.

Биз — ички ишлар органлари ҳодимлари зиммасига юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклаган.

Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида тизим замон талабларига мослаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан имзоланган илқ ҳуқуқий ҳужжат айнан 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни бўлди. Давлатимиз раҳбарининг таъсибига билан ички ишлар органларида тўб ишловлар амалга оширилиб, мутлақо янги тизим шаклланди. Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган профессионал, халқчил тузилмага айлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда дунёда авж олаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, халқаро терроризм ва экстремизм, коррупция, гивҳандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, ахборот ҳуружи ва ёшлар онгига ёт гоёларни синдиришга уринишлар, буларга қарши курашиш, уларга барҳам бериш бўйича ички ишлар органлари олдида янги вазифалар қўйилди.

Жамиятимизда “**Конуи ва адолат — устувор**”, “**Жиноятга жазо муқаррар**” деган муҳим принциплари таъминлаш, ички ишлар органларини том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тизим олдида қўйилган бугунги вазифалар ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришни тақозо этди.

Шу боис ҳам асосий эътибор юрғи бўлини куцайтиришга қаратилиб, бевосита маҳаллаларда криминоген вазиятни икжойи томонга ўзгаришига таъсир кўрсата оладиган иҳчам ва мобил тизим шакллантирилди. Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш мақсадида олдида жойлашган аҳоли пунктларида 824 та таъин пунктлари ташкил этилди. Профилактика инспекторларининг сони 1552 нафарга қўйилди. Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича 30 бошқарма ва уларнинг 161 ички ишлар бўлимлари ташкил этилди.

Ички ишлар органлари тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, “**Хавфсиз шаҳар**”, “**Хавфсиз пойтахт**”, “**Хавфсиз ҳудуд**”, “**Хавфсиз туризмин таъминлаш**”, “**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш**”, “**Хавфсиз хонадон**” концепциялари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари давомида ҳудудларнинг ўзига хос жиҳати ва таърибалари сифатида Андижон вилоятида “Намунали бунёд”, Бухоро вилоятида “Хотин-қизлар худудлаш”, Фарғона вилоятида “Ёшлар билан ишлаш”, Бўкча туманида “Президентнинг бешта таълими”, Жиззах вилоятида “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати”, Сирдарё вилоятида “Жиноятдан холи маҳалла” концепциялари яратилди.

Албатта, бизнинг энг асосий мақсади-миз аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат. Ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолияти натижасида жами 9116 та маҳалладан 4518 тасида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Бироқ бу кўрсаткичлар билан қияфланиб, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Сўнгги вақтларда асосий эътибор юрғи бўлини куцайтиришга қаратилмоқда. Бево-сита маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдин-олиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Бунинг учун “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тамойилидан келиб чиққан ҳолда, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилмоқда, тахлил этилмоқда, ҳулосалар чиқарилмоқда. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда зарур чора-тадбирларни белгилаш муҳим, деб ўйлайман.

Айтиб ўтиш кераки, Президентимиз та-шаббуси билан “Маҳалла посбони” тузилма-



си раҳбари лавозими ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича уларнинг шахсий жавобгарлиги белгилан қўйилди. Бу борада мазкур тузилмага ана шу талабга тўлиқ жавоб бера оладиган муносиб кадрларни танлаш белгиланган. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари оиладаги муҳитга ҳам боғлиқлиги боис, оилалар билан ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунини**” этиб белгиланиб, аҳоли ўртасида кенг камровли ҳуқуқий-маърифий тарбиот тадбирлари олиб борилмоқда. Бундай учрашуларда ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унга олиб келган шарт-шароитлар тахлил қилиниб, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ҳар бир ички ишлар органи ҳодими тисмолида юртимиз ўз ҳимоячисини қўриши лозимлигини таъкидлаган. Бу борада ички ишлар органларининг имижини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилгани, жойларда биринчи раҳбарлардан бошлаб профилактика инспекторларига-ча бўлган бўғиндаги масъулларнинг халқ олдида ҳисобот бериш амалиёти жорий қилиниши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада орттиришга замин яратмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ички ишлар органлари ҳодимлари янгича дунёқараш, янгича тафаккур билан иш услубларини ўзгартириб, билимли, салохиятли ва фидойи бўлишлари лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун ҳар бир ҳодим доимий равишда ўз устиди ишлаб, зиммасига юклатилган вазифаларини виқдонан бажариши, ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билиб, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида бор билим ва таърибасини сафарбар этиши зарур.

Ҳодимларнинг фуқаролар билан муомала маданиятини ошириш бораидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ички ишлар органларининг ташиқ соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодексини” тасдиқланган. Ушбу кодексда ҳодимнинг фуқаролар билан мулоқот мадания-тининг меъзолари, асосий қоидалар, мажбурий ва ваколатлар белгиланди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар, аввало, ички ишлар органлари ҳодимларини халқимизга янада яқинлаштириш, фуқароларнинг соҳа ҳодимларига нисбатан ишончи орттиришга эришиш имконини беради. Албатта, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ҳодим, аввало, ўзининг билими, маъна-вияти ва дунёқараш кенглиги билан ажра-либ туриши керак.

— Давлатимиз раҳбари ички ишлар органлари олдида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, уларнинг барвақт олдини олиш вазифасини қўйган эди. Бу йўналишда нисбатан қилинган ва қандай натижаларга эришилган?

— Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бораида 2018 йил якуни бўйича ҳар бир минтақада содир этилган жиноятлар ҳуқуқ тахлил қилиниб, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни йиле-лаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳафта-нинг ҳар пайшанба кунини “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунини**” тадбирлари доира-сида ўтказилаётган профилактика ишлар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш-га хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оши-ришда профилактика инспекторлари муҳим ўрин туттади. Профилактика инспекторлари томонидан аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни бартаф этиш мақсадида 9,5 миллиондан ортиқ хонадон ўрганиб чи-қилди. Уйма-уй юриб ўрганишлар натижаси-да 22 мингдан зиёд оиланинг нотинчлигига барҳам берилиб, жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилгани натижа-сида жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича 4518 та маҳаллада биронта ҳам жиноят бўлишига йўл қўйилмади.

Шунингдек, содир этилган ҳар бир жиноят сектор раҳбарлари иштирокида маҳал-лаларда, аҳоли ўртасида кенг муҳокама қи-линиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва

бунга имкон берган шарт-шароитларни бар-тароф этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаб борилмоқда.

Муҳокамалар натижаси бўйича мутаса-ди идораларга 18 мингдан ортиқ тақдим-нома киритилди. Фуқароларда ҳуқуқбузар-ликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлик-нини ошириш бораида 252 мингдан ортиқ уч-рашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу профилактика тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида умумий жиноятлар сони ўт-ган йилнинг шу даврига нисбатан 26,0 фоиз-га (34243 тадан 25344 тага) камайишга эри-шилди.

— Юртдошларимиз шаҳар қўчаларида ички ишлар органлари ҳодимлари билан биргаликда Миллий гвардия ҳарбий хиз-матчилари ўз бурчларини ўтаётганига ҳам ўрганиб қолишди. Бундай ўзаро ҳам-корлик қандай самара берапти?

— Тарихдан бизга маълумки, жамиятда адолат ҳукм суриб, тинчлик ва осойишталик қарор топса, албатта, мамлакат ривожлана-ди, унинг нуфузи янада ортади. Бир сўз би-лан айтганда, “**Халқимиз эртлага ёки кела-жасиз эмас, балки бугун яхши ва муносиб ҳаёт кечирини хоҳлайди**” деган сўзлар барча соҳаларда амалга оширилаётган и-слоҳотларнинг асосий госясини ташкил этади.

Бу борада ўтган даврда тинчлик ва осой-ишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъмин-лаш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жино-ятчиликка қарши курашиш соҳасида кенг камровли ишловлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор ижтимоий хавфли қилимлар оқибатига эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, олдин-олишга қаратилмоқда.

Энг муҳими, жиноятлар 70 фоизи кечки ва тунги вақтларда содир этилаётганлигига ўз вақтида эътибор қаратилиб, жамоат тартиби-ни таъминлаш кўчлари имконияти ана шунга йўналтирилганига ўз самарасини берди.

Президентимизнинг 2018 йил 19 июнда-ги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъ-минлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самара-дорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини бажариш мақсадида пойтахтимизда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши ку-рашишининг самарали ва янгича тизим ҳаёт-га таътиб этилди. Унга қўра, 2018 йилнинг 1 июлидан Тошкент шаҳрида “**Хавфсиз пой-тахт**” концепцияси амалиётга жорий этилди.

Ушбу концепция доирасида жиноятлар-нинг оқибатларига эмас, балки уларнинг сабаблари ва асосий омилларига қарши ку-рашиш, яъни уларнинг барвақт профилакти-каси ўзининг икжойи самарасини берди. Шу боис, 2018 йилнинг 27 ойида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан босқичма-босқич республика-мизнинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳри таърибаси бўйича “Хавфсиз пойтахт” кон-цепциясининг амалиётга жорий этилиши ҳақида берган топширини асосида Қорақал-погистон Республикасини ва вилоятлар ҳудуд-идаги жами 14 та йирик (Чирчиқ, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фар-ғона ва Қўқон, Андижон, Наманган, Термиз, Қарши, Ўзғанч ва Нукус каби) шаҳарларда “Хавфсиз шаҳар” концепциясини амалиётга тўлақонли жорий этиш бўйича Ички ишлар вазири ва вилоят ҳоҳимларининг қўшма қарорлари қабул қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида мазкур концепция жорий этилиши белгиланган шаҳарларнинг маъму-рий ҳудудлари тегишли жавобгарлик квад-ратларида таъминланган ҳамда уларда Ички ишлар органлари ҳодимлари ва Миллий гвардия саб бўлиналари ҳарбий хизмат-чилари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари-нинг ўч босқичли, аралаш тартибдаги патрул-лик хизматлари йўлга қўйилган.

Хозирда концепция асосида республи-камизда ташкил этилган 1974 та (шундан, 945 та пиеда, 957 та авто, 22 та мото ва 23 та отлик) патруллик йўналишларида жами 7504 нафар (айнан 4800 нафар ички ишлар органлари, 1063 нафар Миллий гвардия, 938 нафар жамоатчилик вакиллари ва 789 нафар “Фидокор ёшлар” жамоатчи па-труллик гуруҳларининг) жамоат тартибини таъминлаш кўчлари кечаю кундуз патруллик хизматларини олиб бормоқда.

Ўтган даврда жамоат тартибини таъ-минлаш кўчлари томонидан 550 нафар қи-друдедаги шахслар ушланган ва жами 3017 та оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар фой

этилган. Патруллик йўналишларида жами 417650 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатла-ри аниқланган ва тегишли чоралар қўрилиши ташкиллаштирилган. Натижада эса тезкор ва тезкор-профилактика йўналишда барча зарурий чора-тадбирлар ўз вақтида сифатли ҳамда тўлақонли амалга оширилгани тўғриси-даги хизмат самарадорлиги янада ошган. Шу сабабли ҳисобот даврида концепция жорий этилган ўтган уч ойида жиноят-қидирув соҳа-сидаги жиноятлар 33,5 фоизга, айниқса жа-моат жойларида содир этилган жиноятлар — 34,0 фоизга ва кўчаларда содир этилган жиноятлар 30,2 фоизга камайган.

— Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавф-сизлигини таъминлашда инсон омилини камайтириш мақсадида видеокамера-лардан, замонавий светофорлардан ва бошқа техник воситалардан фойдала-ниляпти. Ушбу жараён Қорақалпоғистон Республикасини ва вилоятларда ҳам амалга оширилляптими?

— Республикаимиз ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган қўғилғис ҳолатларнинг олди-ни олиш, қондабузарликлар сонини камайти-риш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хиз-матининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бу вазифаларни тўлақонли амалга ошириш эса соҳани доимий тарзда такомиллашти-риш, унинг моддий-техник базасини мустаҳ-камлаш, ҳодимларнинг касбий ва хизмат тайёргарлигини ҳозирги кун талабларига мос равишда юксалтириш, йўл ҳаракати ишти-рокчилари маданиятини ошириш, қонун-қо-даларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш сингари қўллаб ишларни амалга оширишни талаб этади.

Бугун ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб келаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ахборот-коммуникация технологиялари Дав-лат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ҳам муайян ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунни бемаълот тўб ўзгаришлар да-ври, деб атаиб турги бўлади.

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъмин-лаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишнинг, назоратнинг юқори самарадорлигини таъминловчи йўл ҳарака-тини автоматлаштирилган тарзда тартибга солиш, видеокузатув ва йўл ҳаракати қоида-лари бўзилишини қайт этиш тизимларини, бошқа техник воситаларни, аввало, вилоят марказларида янада кенгайтириш йўл ҳара-кати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Маълумки, 2017 йилнинг 15 мартидан Тошкент шаҳрида жорий этилган “Йўл ҳара-кати бошқаришнинг компьютерлаштирил-ган тизими” томонидан қайт этилган қоида-бузарликлар учун жаримага тортиш механиз-ми ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу тиз-им пойтахтимизнинг транспорт воситалари оқими кўп бўлган 115 та чорраҳани қамраб олган бўлиб, қондабузарликларни автома-тик тарзда қайт этмоқда. Мазкур тизим ишга туширилган кунидан то жорий йилнинг 1 ок-тябрига қадар 779071 та қондабузарлик қайт этилган. Тизимнинг жорий этилиши, шубҳа-сиз, пойтахт қўчаларида қондабузарликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига ўзининг икжойи таъсирини ўт-казди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг ўтган 9 ойида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 13,8 фоизга, унда ва-фот этганлар сони 27,4 фоизга, таж жара-хати оғланлар сони 13,8 фоизга камайи-шига эришилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, Президент қарориди Тошкент шаҳрида жорий этилган компьютерлаштирилган тизимини кенгайти-риш, шунингдек, бу каби тизимларни Нукус шаҳри ва вилоят марказларида жорий қилиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ма-салан, Нукус, Наманган, Андижон, Навоий ва Бухоро шаҳарларида автоматлаштирилган тизимлар жорий этилиб, ана бир қатор ви-лоят марказларида ҳам бу каби тизимларни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида жорий этилган компьютерлаштирилган тизимга кирувчи чорраҳалар сонини 400 тага қўйатириш бў-йича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 30 октябр-даги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-минлаш соҳасида инвестициявий лойиҳа-ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғ-рисида”ги қарорига асосан Германиянинг “ATLAS International” компаниялари гуруҳи томонидан Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудида йўл ҳаракати қоидалари бўзилишини фото-видео фах-сати қилишнинг автоматлаштирилган тизими-ни жорий этиш бўйича давлат-хусусий ше-рикчилик шартлари асосида инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Масаланинг ана бир томонида тўхта-ладиган бўлсак, автоматлашган тизимлар томонидан аниқлаётган қондабузарликлар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда. Мисол учун, 2018 йилнинг 9 ойи давомида автоматлаштирилган тизимлар томонидан 599431 та қондабузарлик қайт этилган бўл-са, жорий йилнинг 9 ойида бу рақамлар 893995 тами ташкил этади.

— Мамлакатимиз бўйлаб коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқ-да. Сиз раҳбарлик қилаётган тизимда ушбу иллатнинг илдизига болта уриш, хо-димларнинг маънавиятини юксалтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳусу-сида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳеч кимга сир эмас, агар жамиятда қонун устуворлиги таъминланмаса, одам-ларда нафақат бугунга, балки эртанги кун-

га ҳам ишонч йўқолади. Қаерда шахсий манфаат ҳар нарсадан устун қўйилса, ўша жойда коррупция илдиз отиб, охир-оқибат давлат таназзулга юз туттади.

Бундай мамлакатга ҳеч бир хориз ин-вестори ўз мулкини, сармоясини олиб ки-ришни хохламайди. Давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, инвестор сармоя киритишдан олдин давлат идоралари ва-килларидан эмас, балки тадбиркорлардан мамлакатда яратилган шарт-шароит ва му-ҳит тўғрисида сўрайди.

Шунинг учун ҳам давлат органлари ҳодимларининг виқдонлиги, ҳалоллиги катта аҳамият касб этади. Қолаверса, мам-лакатдаги коррупция даражаси давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисоб-ланади. Бугун коррупция балоси ҳаммани бирдек ташвишга солаётган жиддий муам-молардан бирига айланган. Шунинг учун дунёдаги барча давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ушбу иллатнинг ҳар қан-дай қўриқинишга қарши муросасиз курашга киришган.

Давлатимиз раҳбари қўллаб маъруза ва чиқишларида порахўрлик, таъмагирилик, мансаб ваколатини суистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсади-га айлиниши кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталиб, “Жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш, унга йўл қўймаслик, жи-ноятга жазо албатта муқаррар эканлигини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар қўришимиз зарур”, деб таъкидлаган.

Мамлакатимизда шахсининг мансаби ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг-лиги таъминланмоқда, жинсий қилимларлар содир этган мансабдор шахсларга ҳам қо-нуний чоралар қўрилмоқда.

Жорий йилнинг 27 май кунин Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ко-рупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Фармони қабул қилиниб, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Дав-лат дастури тасдиқланди ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идора-лараро комиссияси тизилди.

Мазкур дастур доирасида давлат ва жа-мият ҳаётининг барча соҳаларида корруп-циянинг олдини олишга, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартафат этишга оид муҳим амалий чора-тадбирлар, устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур фармон билан идоравий коррупцияга қарши курашиш, соҳада корруп-цияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яра-таётган сабаб ва шароитларни тағ-тотиб билан йўқотиш давлат органлари ва таши-лотлари раҳбарларининг биринчи даражада-ги муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Бугунги кунда юқорида қайт этиб ўтилган қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастури-дан келиб чиқиб, ички ишлар органларида ҳам коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида айнан коррупцияга қар-ши курашиш йўналишига оид вазириликнинг муҳим ҳужжати қабул қилинди.

Ҳодимлар ўртасида коррупцияга нис-батан тоқатсизлик ва муросасизлик имму-нитетини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган профилактика тадбирларнинг таъсирчанлиги оширилмоқда. Бош проку-ратура билан ҳамкорликда ҳодимларни ўқитиш бўйича тренинг курслари ўтказил-моқда. Шу билан бирга, жорий йилнинг декабрь ойи “Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ойлғи” деб эълон қилинди ва мазкур ойлқ доирасида бир қатор ташкилий, амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режа-лаштирилмоқда.

Барчага яхши маълумки, коррупцияга барҳам бериш ва унинг олдини олиш маса-ласида шунчаки профилактика тадбирлар, учрашулар ўтказиш ёки жазолаш билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу муаммодан холи бўлиш албатта, тизимли ёндашуви талаб этади. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан ҳодимлари-мизни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Шунингдек, улар

МАСЪУЛЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТАХРИРИЯТГА АРИЗА

Ушбу аризамни ёзар эканман, мен суд идораларимиз адолатлигига, адашганларни тўғри йўлга солишига, ноҳақликларни бартараф этишига ишонаман.

Мен Норхозиёва Навбахор 1993 йилда туғилганман. Оллоҳнинг синоими ёки тақдирми, туғилганимдан буён қийинчилик қўриб ўсдим. Оилада 5 нафар бўлганмиз. Отам ва онам, 1989 йилда туғилган акам Норхозиёв Эгамберди ва 2002 йилда туғилган укам Норхозиёв Худойберди.

Отам тез-тез судланиб, қамалиб турарди. Қамокдан чиқиб, бир неча ойдан сўнг яна қамалар эди. Шу тариқа болалик шодликларини, қувончини, ота меҳрини кўрмай ўсдим. Оилавий шароит туфайли ҳеч биримиз ҳаттоки ўрта маълумотга ҳам эга бўла олмадик. Акам 4-синфгача аъло баҳоларга ўқиди. Уйимиздаги ёмон муҳит акамнинг ўқишига салбий таъсир қилди. Баҳолари пасайди. 6-синфни битириб, онамга ёрдам бериш учун кўчаларда машина ювди. 2004 йил 16 ёшида Россия давлатига ишлагача кетди. Шу алфозда 18 йил давомида Россия давлатига ишга бориб-келиб юрди. Мен 13-14 ёшларимда онам билан Тошкентга келиб, қандайдир бир цехда шиша идишларни ювардик. Шу ерда ухлаб қолардик. Ошхонада ҳам идиш ювувчи бўлиб ишладик. Мен мактабдан қўлиб кетдим. Уйда ейишга нон, кийишга кийим етишмади. Оч-наҳор яшадик. Чунки ҳаммамиз ишсиз эдик.

2015 йил мени турмушга беришди. Онам ва акам шунча йил ишласа-да, тўй харажатларини қоплай олмади. Оиламиз қарзга кириб қолди. Онам бечора уйимизни сотиб, қарзларимизни тўлади. Уйсиз қолдик. Оиламиздаги бу азоблар камлик қилганидек, 5 ойгина давом этган никоҳим бузилди. Қайнонам камбағаллигимизни кўп юзимга солди. Ҳомиладор эдим, касал бўлиб қолдим. Даволатишмади. Касалхонага тушдим, хабар олишмади. Уйга қайтгач, бир неча бор шифохоналарда даволандим. Онам мен билан овора бўлиб қолди. Укамга қарай олмади. Топган пули мени даволатишга кетди. Укамнинг туфлиси йиртилиб, кийишга ярамай қолди. Мактабга боришга туфли олиб беролмаганимиз учун менинг кроссовкамни кийиб кетди. Ўша кунни мактабдан қаттиқ ҳафза бўлиб, руҳан эзилиб қайтди. Болалар ўқинг устидан қўлишди. Қиз боланинг

кроссовкасини кийиб юрибсанми, дейишибди. Ўша кун у ўз жонига қасд қилди. 14 ёшида ўзини осди. У оиламиздаги қийинчиликларни кўтара олмади.

Ҳозирги кунда 2016 йил 24 майда туғилган Жасурбек исмли ўғлим бор. Акам 30 ёшга тўлди, лекин ҳали оила қурмаган. Аламидан ичкиликка берилиб кетди.

Энди эса онам ҳақида гапирай. Шу пайтгача ҳар қанча қийин бўлмасин, онамиз ёнимизда бўлган. Онамизнинг борлиги бизга таянч эди. Афсуски, яқинда онамиз бироз бўлса-да, пул топанамми деб, фарибгарлар ишига аралашиб қолди. Корёга ишлагача одам жўнатаман, танишларингиз бўлса, олиб келинг, деганларга ишониб, икки одамдан пул олиб, фарибгар Дилшод деган кишига беради. Аммо онам ҳам, танишлари ҳам алданиб қолади. Жиноят иши кўзгатилиб, онам қамоққа олинди. Бу ишларни онамиз биз, фарзандлари учун қилди, ўзини ўтга урди. 1 апрелдан буён қамокда. Мана шунча ойдан буён онамиз ҳам изтиробда. Лекин онамизга ёрдам бериш учун, унинг билмай жиноятга шерик бўлиб қолганини исботлаш учун кучимиз етмаяпти. Кўз ёшлар фойда бермаяпти.

Сиздан илтимос, бир оила пароканда бўлиб кетмасин. Уйсиз-жойсиз, онасиз яшаш қанчалик азоблигини тасаввур қилиб кўринг, тақдиримизга бефарқ қарамасталигини сўрайман. Уч ёшли фарзандим ҳам мен болалигимдан ўтказган қийинчиликларни кўришини истамайман...

Онамнинг билиб, билмай қилган хатоси учун биз бош эгиб ўз сўраймиз. Агар бизлар ҳам мукамал, бекаму кўст оилада, мухитда ўсганимизда, бошимизга бу кулфатлар тушмаган бўларди. Бизлар ҳам давлатимиз раўнақи йўлида қайсидир соҳаларда меҳнат қилаётган бўлар эдик. Сизларга илтижо билан мурожаат қиламан. Илтимос, онамизга ёрдам беринглар. Биз бу азобларга чидашимиз қийин.

Навбахор Норхозиёва. 11.10.2019 йил.

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани марказидаги Мухаммадқулوف кўчаси, 123-уйда вақтинча яшовчи.



ТАХРИРИЯТДАН:

Бировнинг дарди бировга бегона бўлиши мумкин. Бировнинг бошига тушган мусибатни ҳар ким ҳам юракдан ҳис этмаслиги мумкин. Кимнингдир муаммоси кимнидир қизиқтирмаслиги мумкин. Аммо, жойларда одамлар, хусусан, хотин-қизлар тақдирига масъул идоралар, мансабдор шахслар бор.

Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти, яъни қайсидир сектор раҳбари, Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини, сиёсий партиялар туман Кенгашилари, депутатлар...

Бир қарасанг, одамлар манфаатини ҳимоя қиладиган идораю ташкилотлар, масъуллар, мансабдорлар оз эмас. Улар давлат бюджетидан машо олишади, хизмат машиналарида юришади... Ўз лавозимлари, эгаллаб турган вазифаларидан фахрланишади, албатта.

Бироқ бир оила пароканда бўлиб кетаётганини ҳеч ким кўрмапти. Оиланинг бир фарзанди ўзини осди, иккинчиси ичкиликка берилиб, қаерлардадир юрибди. Учинчиси уч яшар боласи билан ишсиз, боқувчисиз, уйсиз, ижарада яшаб, ижара пулини тўлай олмай юрибди...

Отаси кўп йиллардан бери қамокда, онаси ҳам яқинда қамалиб қолган бўлса...

Энди акасидан, укасидан, онасидан ажралиб, уч яшар боласи билан кўчада қолган бу аёлга ким ёрдам бериши керак? У онаси учун бош эгиб кечирим сўрапти, онасиз қандай яшаймиз, кимга суянамиз, деб илтижо қилапти. Онасининг қилмишига суд баҳо беради, албатта. Эҳтимол, давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан келиб чиқиб, мурувват кўрсатилар... Олий суд фаолиятида бундай мисоллар оз эмас.

Аммо бу оила тақдирига ким ачинади, ким ёрдам қўлини чўзади? Маҳаллада бир оила бошига шундай фожиа тушганида, масъуллар қандай қилиб тинч ухлашаётган экан? Туман миқёсидаги масъуллар-чи?..

Бундай аянчли воқеаларга нега бефарқмиз? Нега юрагимиз оғримади, виждонимиз қийналмайди? Нега оёққа турмаяпмиз?

Қачон ҳушёр тортамиз, қачон уйғонамиз? Қачон ўз вазифамизга масъулият билан ёндашамиз? Бир оила бошига шунча кулфат тушсаю, масъуллар қорасини кўрсатмаса... Уларнинг вазифаси нимадан иборат ўзи? Махлисларда қатнашиш, силлиқ маълулотлар ёзишданими?

Бу саволлардан ҳулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

«БОШ ВАЗИР КУБОГИ» МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимларидан таркиб топган жамоалар ўртасида футбол (эркаклар) ва волейбол (хотин-қизлар) бўйича «Бош вазир кубоги» мусобақаси ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 4 сентябрь кун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарлини кучайтириш мақсадлари бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ташкил этилган мусобақада турли ташкилотлар ҳаваскор футболчиларидан иборат 64, волейбол бўйича эса 11 жамоа иштирок этди.

27 октябрь кун пойтахтимиздаги «Миллий» стадионда футбол мусобақаси финал босқичи ва ғолиб жамоаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Футбол бўйича финал ўйинида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва «Ўзбектелеком» АК жамоалари куч синашди. 1-0 ҳисобида ғалаба қозонган Олий суд йиғилари биринчи ўринни қўлга киритди. Учинчи ўрин Сув ҳўжалиги вазирлиги жамоасига насиб этди.

Волейбол мусобақасида «Ўзбекистон темир йўллари» АК жамоаси биринчи, Қўшлоқ ҳўжалиги вазирлиги хотин-қизлари иккинчи, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб жамоаларга «Бош вазир кубоги»ни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов тантанали топишди. Шунингдек, эсдалик совғалари, дипломлар берилди. Мусобақа иштирокчилари турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

Спорт мусобақаси санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан якунланди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ»

28 ноября и 5 декабря 2019 года в 15.00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащий частному лицу:

— Автомашина марки «Кампива», 2016 года выпуска, гос. номер — 01Т779АА. Начальная цена — 300 000 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 27 ноября и 4 декабря 2019 года. Покупатель вносит залог не менее 5 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Темура, дом №122 а. Телефон для справок: (61)222-55-84.

Услуги лицензированы

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Мамлакатимиз бунёдкорлиги тарихига назар ташласангиз, аждодларимиз яратган обидалар, уларнинг меъморчилик санъати асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Бугунги қурувчиларимиз буюк аждодларимиз ишларини муносиб давом эттирмоқда. Айнан уларнинг меҳнати билан юртимиз киёфаси кун сайин гўзаллашиб, чиройига чирой қўшилмоқда. Пойтахтимиз Тошкентда ана шундай мухташам, замонавий уй-жойлар бунёд этаётган қурувчилардан бири Шукурбой ака Аметовдир. У Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида туғилган. Отаси Жағилиқ ака ҳам шу туман фарзанди. Миришкор деҳқон бўлган. Узоқ йиллар туманда боғдорчилик, чорвачиликни ривожлантиришга, ғалла, пахтадан мўл ҳосил олишга муносиб ҳисса қўшиб келган. Турмуш ўртоғи Завра опа 12 нафар фарзандни тарбиялаб, меҳнатга ўргатган фидойи онадир. Жағилиқ оға ҳам, Завра буви ҳам меҳрли, камтарин, фариштадек инсонлар бўлишган. Қаҳрамонимиз Шукурбой аканинг эслашича, уйларининг ёнида катта кўл бўлган. Даладан ҳориб-чарчаб келганида, жўралари — Генжабой, Толгатбой ва Тошкентбойлар билан шу ерда балиқ тутишган, тўп тепиб улгайишган.

ЭЪТИРОФ ВА БАХТ

ўз касбига садоқатли, ҳалол ва фидойи кишиларга насиб этади



— Бизнинг овулимиз одамлар бағрикенг, юраги тоза аjoyиб инсонлардир. Гоҳ-гоҳ болалигимни эслар эканман, меҳрим товланиб, улар томон талпинаман, — дейди Шукурбой Аметов. — Ҳамиша юрагимда соғинч ҳисси яшайди. Ота-онам билан бирга бўлган дамларим ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Орадан йиллар ўтиб, улгайиб, мактабни тугатдик. 1981 йили Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кундузи Тошкентдаги «Главташкентстрой» трестининг 7-қурилиш бошқармасида оддий ишчи бўлиб ишладим. Кейинчалик раҳбарларим, устозларим меҳнатини юқори баҳолаб, прораб, қурилиш участкаси бошлиғи этиб тайинлашди. Ишхона раҳбари бўлиб ҳам ишладим. 1987 йили институтни тугатдим. Тақдиримда пойтахтда яшаш ва ишлаш

насиб қилган экан. Яратганга шукроналар бўлсин. Азим Тошкентнинг улугвор биноларини барпо этишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман. 1990 йилда Талабалар шаҳарчасидаги Техника университети биносини қурганимиз. Ҳазалектдаги Чотқол санаторийсини қайта қуриш, таъмирлаш ишларида, шунингдек, бошқа янги объектиларни қуриш жараёнларида беш йил ишладим. 2003-2014 йилларда Бектемир туманида «Нерудник», «Шагал-тош» ишлаб чиқариш корхоналарида мастер, цех бошлиғи бўлиб ишладим. 2015 йилдан «Уй-жой қурилиш» МЧЖ корхонасига раҳбарлик қиламан. Тошкент шаҳрининг Нурафшон кўчасидаги 20 хонадонга мўлжалланган 3 та 5 қаватли, 2016 йилда 32 хонадон иборат 5 қаватли ҳамда битта 3 қаватли уй-жойларни жаҳон

андозалари даражасида қуриб, эгаларига топшириш бизга насиб этди. Биз уйлар сифатига жиддий эътибор қаратамиз. Бу уйларда яшаганларнинг, бахри дили очилса, бизни алқаб дуо қилишса, бундан ортиқ бахт борми? 2017 йил Сергели тумани 6-массивида ҳам кўп уйларни қуриб фойдаланишга топширдик. Президентимиз келиб, биз бунёд этаётган биноларни қуриб, биздан ҳол-аҳвол сўраб турганлари кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қилди. Жамоамиз томонидан 2017 йилда Сергели 6 массивида 7 қаватли 273 хонадонли, 2018 йилда 7 қаватли 252 хонадонли уй қуриб фойдаланишга топширилди. 2019 йилда эса Сергели 5 даҳасида 7 қаватли 168 хонадонли уйни қуриш жараёни давом этмоқда. Бетақдор дизайн асосида барпо этилаётган биноларга қўчиб кирган фуқаро-

ларимиз бизнинг ёнимизга келиб, миннатдорлик билдиришмоқда. Уй-лаймани, ҳар бир қурувчи мамлакат истиқболига масъулиятни сезган ҳолда қурилиш жараёнларида иштирок этмоқда.

Шукурбой аканинг турмуш ўртоғи Дилбархон опа тажрибали шифокор. Ҳар ишда Шукурбой аканинг маслаҳаттўйи, таяничи, меҳрибон уй бекаси. Улар Дилфуза, Венера ва Исроилбекни тарбиялаб воёга етказишди, 6 нафар навра қўришди.

— Шундай оилам борлигиндан бахтиёрман, — дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. — Корхонамизда тажрибали шогирдларимдан прораб Шавкат Абдуллаев, бош муҳандис Дониёр Аҳмадалиевлар яхши мутахассис. Улар билан янги лойиҳалар ҳақида бамаънафат иш тутамиз. Бундай сазой-харақатлар албатта ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бунёдкорлик ишларининг сифат ва самарадорлиги ортмоқда.

Ҳа, қаҳрамонимиз Шукурбой аканинг қурган биноларидан меҳр нури таралади. Бу ерда яшовчилар билан суҳбатлашсангиз, миннатдорлик сўзларини эшитасиз. Пойтахтимиз қўрига кўр қўшиб турган мухташам уйлар ёнидан ўтаётиб, «шу уйларни мен қурганман», деган фахр хиссини туйиш, дуоларни эшитиш қурувчи учун жуда завқли ва фахрли. Уларнинг бекорга ўтмаганини ҳис этасан, ҳаётиндан рози бўласан. Бундай эътироф ва бахт ўз касбига садоқатли, ҳалол меҳнат қилган кишиларгагина насиб этади.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

Диққат: Янгилик! Ўзбекистон замонавий электромобиллар мамлакатига айланади

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ БИЛАН ЮРАДИГАН МАШИНАЛАР яқинда Тошкентда уларнинг тақдироти ўтказилади

Касб тақозаси билан кўп узоқ-яқин юртларда бўлганман. Японияликларнинг турмуш тарзи, Германия магистралларининг афзалликлари, Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг дастлабки самаралари, Хьюстондаги НАСА астронавтиларни тайёрлаш маркази фаолияти, Афғонистоннинг Саланг довоми атрофида йўлчиларимиз қурган кўприклар, мухтасар айтганда, мушакил юртимизнинг дунё билан юзлашаётгани, буйлашаётгани хусусида телерепортаж, кўрсатув, таҳлилий мақолалар тайёрлаш насиб этган. Бунинг учун эса, йўл юриш, юрганда ҳам мўл юришга тўғри келган.

Бу галги сафаримиз манзили атиги 3 километрга етар-етмас масофада — ЎзФанинг Қуёш энергияси халқаро институти пойтахтимизнинг Бодомзор мавзёда жойлашган. Уч қаватли бино шинам ва ҳовлиси анчайин кенг. Кўкка буй чўзаётган ниҳоллар, уларни ўраб турган майсалар ва гуллар жозибасидан кўра йўллар буйлаб ўрнатилган кўш панеллари диққатни кўпроқ тортади. Ушбу бино томига ўрнатилган худди шундай қурилмалар бутун институти электр энергияси билан таъминлайди, фаспалар алмашишига қараб, иситиш ёки совутиди. Бу ерда тўпланадиган ортинча қувватни шахар электр тармоғига йўналтириш имконияти бор. Институт қуёш энергиясидан сановатда фойдаланиш борасидаги қўриқ технология ишланмаларини амалга ошириш, илгор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармақлари ҳамда иқтисомий соҳада муқоиб энергия имкониятларидан амалий фойдаланиш бўйича тақлифлар тайёрлаш каби масалалар, илмий ва амалий тадқиқотлар билан шуғулланади.

Бир сўз билан айтганда, институт фаолиятининг қамрови кенг. Улар орасида муқобил манба асосида замонавий электромобиллар технологияларини амалиётга татбиқ этиш лойиҳаси ҳам бор. Бизни бу гал мазкур даргоҳга айнан шу масала, институт ҳовлисида қатор турган автомобиллар, турроғори электромобилларни кўриш истиғи етаклаб келди. Уларнинг ранги турфа, лекин тури бир хил яъни, йўловчи ташишга мўлжалланган ўзимизнинг "Равон" русумли машиналаримизга ўхшаб кетади. Бу ерда қалганимизда юртимиз муҳташасилари хитойлик ҳамкасблари билан одам бўйи келадиган

совутичга ўхшаш қурилмани ўрнатишгаётган экан. Бу электромобилни қувватловчи ускуна бўлиб, мўъжизига жойини эгаллайди ва 220 вольтли электр қувватида ишлайди.

Хитойлик мутахассис электромобил, унинг хусусиятлари билан таништиради. Салони мўъжазроқ кўринса-да, беш ўринли. Олд қисмидаги мўъжаз электрон ойна машинанинг ишлаш ҳолати ва ҳаракатига доир барча жараёнларни, шу жумладан орта юргандаги мавжуд манзарани кўрсатиб туради. Мотор қисми иккита унча катта бўлмаган қутидан ва электр қувватини тўплаш жиҳозидан иборат. Барча жараёнларни электромобилнинг ўнг қанотида жойлашган мўъжазгина қутичадаги электрон "мия" бошқаради.

Каминани машинага тақлиф қилишди. Ўттиз йилдан ортиқ ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлганим учун электромобилни бошқариш ҳеч бир қийинчилик туғдирмади. Тезлик ва орта қўйиш мақсадида меморандум имзоланиб, муқобил манба асосида замонавий электромобил технологияларини амалиётга татбиқ этиш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Ўз навбатида нега айнан шу компания танланди, деган савол туғилиши табиий. Институт директори Нуриддин Матчоновнинг қайд этишича, аслида дунёнинг бир қатор электромобил ишлаб чиқарувчилари билан бу борада ишлар олиб борилган, ўрганиш ва таҳлиллар натижасида шундай ҳулосага келинган.

2010 йилда асос солинган "Henan Suda Electric Car Technology Co., Ltd." компанияси электромобил технологиялари борасида изланишлар олиб боради ва йилга 100 мингдан ортиқ ана шундай машина ишлаб чиқа-



лаётган янгиланишлар, "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисомий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорининг яна бир иқроси самарасидир. Айнан 2017 йилда Қуёш энергияси халқаро институти билан ХХРнинг Henan Suda Electric Car Technology Co., Ltd. компанияси ўртасида илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида меморандум имзоланиб, муқобил манба асосида замонавий электромобил технологияларини амалиётга татбиқ этиш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Ўз навбатида нега айнан шу компания танланди, деган савол туғилиши табиий. Институт директори Нуриддин Матчоновнинг қайд этишича, аслида дунёнинг бир қатор электромобил ишлаб чиқарувчилари билан бу борада ишлар олиб борилган, ўрганиш ва таҳлиллар натижасида шундай ҳулосага келинган.

2010 йилда асос солинган "Henan Suda Electric Car Technology Co., Ltd." компанияси электромобил технологиялари борасида изланишлар олиб боради ва йилга 100 мингдан ортиқ ана шундай машина ишлаб чиқа-

риш қувватига эга. Ҳозирги пайтда унда 1300 ишчи-ҳодим ишлайди, уларнинг юздан ортинини юқори маалали хорижий эксперт-мутахассислар ташкил этади. Бу ерда илм билан амалиёт эгизак. Компания қўшида синов-сертификатлаш лабораторияси билан бир қаторида илмий текшириш институти фаолият қоритади. Бу эса, ўз навбатида "Henan Suda Electric Car Technology Co., Ltd." электромобиллар соҳасида илмий изланишларни олиб боришдан тортиб, янги ишланмаларни тайёрлаш, уларни татбиқ этиш, синов ва сертификатлаш, маркетинг изланишларини олиб борувчи тизимли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуига эга.

Шу йилнинг июль ойида делегация аъзолари билан компания фаолияти билан бевосита танишдик ва электромобил технологияларини ривожлантириш, юртимизда мазкур транспорт воситалари тармоғини ташкил этишга келишиб олдиқ, — дейди Нуриддин Матчонов. — Режани самарали амалга ошириш мақсадида лойиҳа бошқарув қўмитаси тузилди ва унинг мажбурият, вазифалари белгиланди.

Унга қўра, Ўзбекистонда янги энергия манбалари ва улар асосидаги электромобил технологиялари учун синов ва сертифи-

катлаш ва техник марказларини ташкил этиш, ушбу марказлар негизида қувватлаш қурилмалари ва шахобчаларини ўрнатиш, халқаро стандартлар асосида миллий стандартларни ишлаб чиқиш, илмий-техник ва маркетинг изланишларини олиб бориш, Хитой компанияси ва Қуёш энергияси халқаро институти ҳамкорлигида мамлакатимизда амалий тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш масалалари белгилан олдинди. Ҳовлимизда турган 20 донa электромобил, уларни қувватлаш қурилмалари ва лаборатория асбоб-ускуналари синов мақсадлари учун олиб келинди.

Демак, институтда 31 октябрь кунини бўлиб ўтадиган тақдиротдан кейин "Henan Suda Electric Car Technology Co., Ltd." компаниясидаги каби бу ерда ҳам электромобиллар соҳасида илмий изланишларни олиб боришдан тортиб, уларни татбиқ этиш, синов ва сертификатлаш, маркетинг изланишларини олиб борувчи тизим ва хизмат кўрсатиш мажмуини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилади. Автомобилларни серияли ишлаб чиқаришга эса 2021 йилда киришиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев жорий йил-

нинг 14 сентябрь кунини «Қўқон» эркин иқтисодий зонасидаги «Шаффоф омадли санат» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган электромобиллар билан танишар экан, уларнинг иқтисодий самарадорлигини қайд этган эди. Бу ерда ҳам мазкур лойиҳани хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2021 йилда амалга ошириш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг "2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг санат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди Хонобод шаҳрида электромобил ишлаб чиқариш белгилан қўйилган. Унинг ҳам ишга тушириш мuddати — 2021 йил.

Маълумотларга қўра, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу борадаги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Пойтахтимиздаги транспорт йўналишларидан берида белоруссиялик ишлаб чиқарувчиларнинг электромобиллар синовдан ўткази-

лаётганидан хабарингиз бор. Мазкур лойиҳалар ҳам кўрсатиб турибдики, Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасидаги ишларини янги қўламда давом эттириб, тез орада энг замонавий электромобил ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Бундай ҳулосага келишнинг боиси шундаки, жаҳонда электромобиллар ишлаб чиқариш эндигина ривожланиб борапти.

"Bloomberg New Energy Finance"нинг тадқиқотларига қўра, 2019 йилда бундай машиналар сони 23-48 фоиз ортиб, 2,4-2,9 миллион донa атрофида бўлиши, 2025 бориб эса, уларнинг йиллик сотув ҳажми 25 миллионга етиши кутуляпти. Бу дунёдаги барча автомобилларнинг 20-22 фоизи дегани.

Ҳозирги кунда жаҳонда харид қилинаётган автомобилларнинг 60 фоизи хитойлик ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади. Компаниялар орасида Tesla (АҚШ) етакчилик қилаяпти, ундан кейинги ўринларни Хитойнинг BYD, Германиянинг BMW брендлари эгаллаб турибди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Иқтисодий шарҳловчи

БИЛАСИЗМИ?

1 НОЯБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?
Мобиль қурилмалар рўйхатга
олинади



Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобиль қурилмалар жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобиль қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимига мурожаат қилиши орқали 2019 йил 1 ноябрдан бепул, 2019 йил 1 декабрдан эса пулли асосда рўйхатга олинади.

ҲИСОБЛАГИЧЛАР ҚАЕРДА
ҚИЁСЛОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ



2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳисобга олиш ускуналарини қиёсловдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

— юридик шахслар учун — 4 йил;
— жисмоний шахслар учун — 8 йил-
ни ташкил этади.

ТУТИНГАН ОТА-ОНАЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат) олаётган ёки оилавий болалар уйи ташкил этаётган фуқароларни тайёрлаш мақсадида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шарҳчаларида тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари ташкил этилади.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ИДРА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ОШАДИ

Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига 2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффицентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақи оширилади.

СУВ ҚУДУҚЛАРИНИ ҚАЗИШ УЧУН
РУХСАТНОМА ТЕГИШЛИ ИДОРЛАР
БИЛАН КЕЛИШИЛГАНДАН КЕЙИН
БЕРИЛАДИ

2019 йил 1 ноябрдан 2021 йил 31 декабрча Нурота, Қўшарбот ва Зомин туманлари доирасида жойлашган қонлар ҳудудида сув олиш учун қудуқларни қазиш рухсатнома (аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун мўлжалланган қудуқлардан ташқари) Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан мутасадди идоралар билан келишилган ҳолда берилади.

ЮҚОРИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТЛИ
ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИНИНГ
РЎЙХАТИ ТУЗИЛАДИ



Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари рўйхатини шакллантиради. Шунингдек, ушбу фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун қамда беш хил хизмат турплари кўрсатилган тақдирда уларга "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" макрими беради.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги
«Huquqiy Axborot» канали.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ЭНГ КАТТА НОН

хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, баландлиги 65 сантиметр, айланаси 2 метр, оғирлиги 7 кило чиқади

Нон тириклик рамзи, бебаҳо неъматдир. Халқимизнинг шоҳ таъми кишига куч-қувват бахш этиб, соғлом бўлишни таъминлайди. Жайдар, оби, лоҳира, жиззали, сутли, ёғли, седанали, нонларимиз ширинлиги билан дунёга машҳур.

Денов туманининг "Бешкапа" маҳалласидаги новвойлар эса ўларнинг йирик нонлари билан ном қозонди. Икки хил кўринишдаги — 20-30 минг сўмлик бу неъматлар кўчлигининг ҳайратини ошириб, ҳавасини келтирмоқда. Қўраганда таажжубланиш табиий.

Қизилқумчулик билан чамалаб кўрдик. Дастурхонлар кўрки бўлган бу ноннинг баландлиги 60-65 сантиметр, сирт айланаси салкам 2 метр (175-193 сантиметр) экан. Оғирлиги эса 5-7 кило тош босди.

— Ота боболаримиз новвой бўлишган, — дейди Исоқ Қаландаров. — Ҳозирги кунда аждодлар анъанасини давом эттирялмиз. Ўттиз турга яқин нон пиширамиз. Йирикларининг ҳам ўз харидорлари бор. Кимдир совғага, бошқа биров туғилган кун учун олади. Унаштирув маросимига буюртма берадиганлар кўп. Сайёҳлар ва хорижлик меҳмонлар бу ерга тез-тез келиб турилади. Сут ва пахта мойи ишлатилгани учун уларни узоқ вақт сақлаш мумкин. Миллий таомимизни Гиннеснинг рекордлар китобига киритса бўлади.

— Бундан ҳам катта нон пиширганмизми? — савол берамиз новвойга.

— Ҳа, уч-тўрт йил олдин уддалаганман. Рекорд даражадаги улкан нонга икки кишининг қўли араб етган. Аммо зувала тайёрлаш, хамир ростлаш, меъёрга ёйиш, гул солиш, тандирга ёйиш ва узиб олиш мушкул кечганди. Сиз қўриб турган мўъжизакор маҳсулотларимиз минглаб миқозларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
журналист.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek IMOYATOV

Ulug'bek VAYOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Farrux HAMROEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasi chiqariladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyrat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1051. 3396 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:30.

Topshirilgan vaqti — 04:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5 6